

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ

ТЎПЛАМИ

8-сон
(924)
2020 йил
2 март

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Иккинчи бўлим

83. «Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги ПҚ-4611-сон қарори
84. «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси фаолиятини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги ПҚ-4612-сон қарори
85. «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг муддатли ҳарбий хизматга навбатдаги чақируви ҳамда белгиланган хизмат муддатини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни Қуролли Кучлар резервига бўшатиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 февралдаги ПҚ-4618-сон қарори [Кўчирма]
86. «Халқаро шартномани тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 февралдаги ПҚ-4619-сон қарори

87. «Педагогик таълим соҳасини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 27 февралдаги ПҚ-4623-сон қарори

Бешинчи бўлим

88. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Молия вазирлигининг 2020 йил 28 январдаги 2020-02, 5-сон «Солиқ ҳисоботининг шакллари тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 24 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3126-1*)
89. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2020 йил 28 январдаги 2020-03-сон «Солиқ ҳисоботининг шакллари тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 24 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3221*)
90. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2020 йил 16 январдаги 1/5-сон «Тижорат банкларининг ликвидлилигини бошқаришга қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 25 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2709-4*)
91. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2020 йил 25 январдаги 2/9-сон «Микрокредит ташкилотларининг кредит сиёсатига нисбатан қўйиладиган талаблар тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 27 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2230-1*)
92. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2020 йил 15 февралдаги 3/4-сон «Хар бир оила — тадбиркор» дастури доирасида кредитлар ажратиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 14-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 27 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3022-4*)
93. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2020 йил 17 февралдаги 6, 2020-05-сон «Табиий газга қўшимча фойда солиғини ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартиришлар ва қўшимчани ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 28 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1909-6*)

94. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2020 йил 28 февралдаги 55-мх-сон «Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус мухрининг ягона намунасини тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 28 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3222*)
95. Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўмондонининг 2020 йил 23 январдаги 23-сон «Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институтида ҳарбий-профессional танлаш тадбирларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқ, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 28 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3019-2*)
96. Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси, Мудофаа вазирлигининг 2020 йил 23 январдаги 3, 4-сон «Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институтига ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 28 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3223*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2020 йил 22 февралдан 28 февралгача бўлган маълумот

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

83 Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида*

Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига (кейинги ўринларда — МҲХС) ўтишни жадаллаштириш орқали хорижий инвесторларни зарур ахборот муҳити билан таъминлаш ва халқаро молия бозорларига кириш имкониятларини кенгайтириш, шунингдек, ҳисоб ва аудит соҳалари мутахассисларини халқаро стандартлар бўйича тайёрлаш тизимини такомиллаштириш мақсадида:

1. Белгилансинки, акциядорлик жамиятлари, тижорат банклари, суғурта ташкилотлари ва йирик солиқ тўловчилар тоифасига киритилган юридик шахслар:

2021 йил 1 январдан бошлаб, МҲХС асосида бухгалтерия ҳисоби юритилишини ташкил этади ва 2021 йил якунларидан бошлаб молиявий ҳисоботни МҲХС асосида тайёрлайди, қонун ҳужжатларида МҲХСга ўтишнинг эртароқ муддатлари назарда тутилган юридик шахслар бундан мустасно;

2021 йил якунига қадар бухгалтерларни халқаро сертификатлаш доирасида «МҲХС бўйича молиявий ҳисобот» фанини муваффақиятли топширганлиги тўғрисида ҳужжатга ёҳуд «Сертификатланган халқаро профессионал бухгалтер (CIPA)», «Сертификатланган дипломли бухгалтер (ACCA)», «Сертификатланган жамоатчи бухгалтер (CPA)» ва «Халқаро молиявий ҳисобот бўйича диплом (DipIFR)» сертификатларидан (кейинги ўринларда — халқаро бухгалтер сертификати) бирига эга камида уч нафар мутахассис миқдорида МҲХСни сифатли қўллаш учун етарли бўлган бухгалтерия хизмати ходимлари билан таъминлайди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги 2020 йилдан бошлаб, ушбу бандда кўрсатилмаган давлат улуши бўлган хўжалик жамиятлари ва давлат корхоналарининг МҲХС асосида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тайёрлашга ўтиш жадвали ҳар йили тасдиқланиши ва 1 июнга қадар расмий веб-сайтида эълон қилинишини таъминласин.

2. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ молиявий ҳисоботни ихтиёрий равишда МҲХСга мувофиқ тайёрлайдиган тадбиркорлик субъектлари бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари бўйича молиявий ҳисобот тақдим этишдан озод этилади.

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 25 февралда эълон қилинган.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги МХХСни жорий этиш бўйича ваколатли орган этиб белгилансин ва унга қуйидаги функциялар юклансин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги билан биргаликда МХХСнинг жорий этилишини, шу жумладан тадбиркорлик субъектлари томонидан молиявий ҳисоботлар МХХС асосида ўз вақтида эълон қилинишини мониторинг қилиш;

МХХС соҳасида мутахассисларни тайёрлаш бўйича жаҳоннинг муваффақиятли тажрибаларини оммалаштириш, шу жумладан бухгалтерия ҳисоби ва аудит соҳасида қайта тайёрлаш ва малака ошириш бўйича нодавлат таълим ташкилотларини (кейинги ўринларда — аккредитациядан ўтган ўқув марказлари) ҳамда соҳага оид олий таълим муассасаларининг ўқув дастурларини босқичма-босқич халқаро аккредитациядан ўтказиш юзасидан бухгалтерия ҳисоби соҳасидаги халқаро ташкилотлар (Сертификатланган дипломли бухгалтерлар халқаро ассоциацияси (Association of Chartered Certified Accountants — АССА) ва бошқалар) билан ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш;

ривожланган давлатларнинг илғор тажрибаси асосида ўқув жараёнининг сифатини, имтиҳонларни ўтказиш ва натижаларини баҳолашнинг шаффофлигини таъминловчи МХХС бўйича сертификатлашнинг самарали тизимини жорий этиш, шунингдек, МХХС соҳасида талаб юқори бўлган мутахассисларни аккредитациядан ўтган ўқув марказларида ўқитиш бўйича ташкилий тадбирларни амалга оширишда ҳар томонлама кўмаклашиш;

бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларини МХХСга мувофиқ уйғунлаштириш.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Бухгалтерия ҳисоби ва аудит услуги бошқармаси тузилмасида вазирликнинг бошқарув ходимлари чекланган сони доирасида учта штат бирлигидан иборат молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини жорий этишни мувофиқлаштириш ва эълон қилинадиган молиявий ҳисоботлар сифатининг ташқи назорати бўлими ташкил этилсин.

4. Илғор халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларини ва мазкур соҳада кадрлар тайёрлашнинг замонавий усулларини босқичма-босқич жорий этиш бўйича «йўл харитаси» 1-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

а) бухгалтерлар ва аудиторлар республика жамоат бирлашмалари билан биргаликда, бухгалтерия ҳисоби соҳасидаги халқаро ташкилотларни жалб қилган ҳолда, Вазирлар Маҳкамасига қуйидагиларни киритсин:

2020 йил 1 июнга қадар Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари ва уларга тушунтиришлар матнини тан олиш тартиби тўғрисидаги низом;

2021 йил 31 январга қадар МХХСни жорий этишнинг устувор йўналишларидан келиб чиққан ҳолда ва МХХС бўйича мавжуд кадрлар сало-

* 1-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

хиятини ўрганиш натижаларига кўра тайёрланган бухгалтерларни сертификатлаш миллий тизимини жорий этишнинг мақсадга мувофиқлиги юзасидан таҳлилий маълумотнома;

б) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат активларини бошқариш агентлиги, Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги ва бошқа манфаатдор давлат органлари ходимларини (кейинги ўринларда — давлат органларининг ходимлари) аккредитациядан ўтган ўқув марказларида МХХС бўйича ўқитиш жадвали ҳар йили тасдиқланишини таъминласин;

в) Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда:

Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Тошкент молия институти, Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, Фарғона политехника институтининг (кейинги ўринларда — тажриба-синов олий таълим муассасалари) «Бухгалтерия ҳисоби» ва «Аудит» фанлари бўйича педагог ходимларини аккредитациядан ўтган ўқув марказларида МХХС бўйича тезлаштирилган тарзда ўқитиш жадвалини тасдиқласин;

2020 йил 31 декабрга қадар бухгалтерия ҳисоби ва аудит соҳасидаги мутахассисларни тайёрлаш бўйича халқаро тажрибани ўрганиш натижалари асосида «Бухгалтерия ҳисоби ва аудит» бакалавриат таълим йўналишида ўқитишнинг кундузги шакли муддатини қисқартириш имконияти тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги:

2020 йил 1 августга қадар бакалавриат таълими йўналишлари ва магистратура мутахассислигидаги «Бухгалтерия ҳисоби» ва «Аудит» фанлари бўйича МХХСни чуқур ўрганишни назарда тутувчи янгиланган ўқув дастурларини тасдиқласин ва белгиланган тартибда таълим жараёнига жорий этсин;

2020 йилдан бошлаб тажриба-синов олий таълим муассасаларининг ўқув дастурларини бухгалтерия ҳисоби соҳасидаги халқаро аккредитациядан ўтказиш ва кейинчалик мазкур тажриба-синов лойиҳасини босқичма-босқич республикадаги соҳага оид бошқа олий таълим муассасаларида жорий этиш чораларини кўрсин;

2021 йил 1 январга қадар «Бухгалтерия ҳисоби» ва «Аудит» фанлари бўйича педагог кадрларнинг аккредитациядан ўтган ўқув марказларида МХХС бўйича ўқитилишини таъминласин, шунингдек, олий таълим муассасаларининг бухгалтерларни халқаро сертификатлаш доирасида аккредитациядан ўтган ўқув марказларида таҳсил олган педагог кадрлари тўғрисидаги маълумотлар базасини расмий веб-сайтида эълон қилсин ва доимий равишда уларни янгилаб борсин.

7. Белгилансинки:

2021 йилдан бошлаб, МХХС ва аудитнинг халқаро стандартлари (кейинги ўринларда — АХС) бўйича ўқитиш фақат бухгалтерия ҳисоби соҳасидаги халқаро ташкилотнинг аккредитациясидан ўтган ўқув марказлари томонидан амалга оширилади. Аккредитациядан ўтган ўқув марказлари лицензияланадиган фаолият турларини амалга ошириш бўйича қонунчиликда назарда тутилган талабларга риоя қилиш шарти билан, тегишли лицен-

зия олмасдан МХХС ва АХС бўйича ўқитиш ва малака ошириш юзасидан лицензияланган фаолият турларини амалга ошириш ҳуқуқига эгадир;

2021/2022 ўқув йилидан бошлаб, тажриба-синов олий таълим муассасаларида бухгалтерия ҳисоби ва аудит бўйича фанлар фақат халқаро сертификатлаш доирасида «МХХС бўйича молиявий ҳисобот» ёки «АХС бўйича аудит» фанини муваффақиятли топширганлиги тўғрисида ҳужжатга ёхуд халқаро бухгалтер сертификатига эга бўлган ўқитувчилар томонидан ўқитилади;

халқаро бухгалтер сертификатига эга бўлган талабгорлар олий таълим муассасалари магистратурасининг «Бухгалтерия ҳисоби» ва «Аудит» мутахассисликларига кириш имтиҳонларини топширмасдан тўлов-контракт асосида кириш ҳуқуқига эга.

8. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Молия вазирлиги билан биргаликда 2020 йил 1 октябрга қадар солиқ ҳисоботи шаклини қайта қўриб чиқсин ва унинг МХХС бўйича тайёрланган молиявий ҳисоботга мослаштирилган шаклини ишлаб чиқсин.

9. Белгилансинки, 2020 — 2025 йиллар давомида аккредитациядан ўтган ўқув марказларида МХХС бўйича ўқитиш, малака ошириш, интерфаол усулларни қўллаган ҳолда ўқитиш, шунингдек, бухгалтерларни халқаро сертификатлаш доирасида Ўзбекистон Республикасида дастлабки рўйхатдан ўтказиш ва имтиҳон топшириш учун рўйхатдан ўтказиш харажатлари Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан қопланади ва қуйидаги тартибда амалга оширилади:

а) олий таълим муассасаларининг буюртманомаларига асосан:

олий таълим муассасаларининг «Бухгалтерия ҳисоби» ва «Аудит» фанлари бўйича педагог кадрлари имтиҳон топшириши учун биринчи марта — тўлиқ ҳажмда, иккинчи марта — имтиҳон топшириш учун рўйхатдан ўтиш суммасининг 50 фоизи миқдорида қопланади;

олий таълим муассасаларининг талабалари ва битирувчилари (ўқишни тугатгандан сўнг олти ой ичида) имтиҳонни муваффақиятли топширган тақдирда, биринчи марта — тўлиқ ҳажмда, иккинчи марта — имтиҳон топшириш учун рўйхатдан ўтиш суммасининг 50 фоизи миқдорида қопланади;

б) давлат органларининг буюртманомаларига асосан ўз ходимлари имтиҳон топшириши учун биринчи марта — тўлиқ ҳажмда, иккинчи марта — имтиҳон топшириш учун рўйхатдан ўтиш суммасининг 50 фоизи миқдорида қопланади.

10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

молиявий ҳисоботнинг ягона стандартларини ишлаб чиқадиган ва тасдиқлайдиган мустақил халқаро ташкилот ҳисобланган Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари фонди (кейинги ўринларда — МХХС фонди) билан битим тузсин;

2020 йилда МХХС ва унга тушунтиришлар матнини давлат тилига таржима қилиш, бошқа тилларда МХХСни қўллаш билан боғлиқ ҳамда МХХС фонди йиллик бадаллар тўлаш харажатларини Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети қўшимча даромадлари ҳисобидан қопласин,

2021 йилдан бошлаб эса зарур маблағлар ажратилишини Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетига назарда тутсин;

икки ой муддатда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикасида аудиторлик фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-3946-сон қарорининг 5-бандига 2-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

12. Мазкур қарор ижросини ташкил қилишнинг қуйидаги тартиби ўрнатилсин:

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А. Қўчқоров — мазкур қарорнинг ўз вақтида, сифатли ва тўлиқ бажарилишини таъминласин, белгиланган тадбирларни бажаришга масъул бўлган вазирлик, идора ва ташкилотлар фаолиятини самарали мувофиқлаштирсин, ҳар чоракда улар раҳбарларининг бажарилган ишлар тўғрисидаги ҳисоботларини эшитсин ҳамда аниқланган камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш бўйича чоралар кўрсин;

Ўзбекистон Республикаси молия вазири — МҲХС жорий қилиниши мониторингини таъминласин, бухгалтерия ҳисоби миллий стандартларини МҲХС билан уйғунлаштириш, бухгалтерия ҳисоби соҳасида халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни кенгайтириш ва тажрибали ҳамда юқори малакали мутахассисларни МҲХСни жорий қилиш жараёнига жалб этиш бўйича чоралар кўрсин;

Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазири И.У. Мажидов — таълим жараёнларига МҲХСни чуқур ўқитишни муваффақиятли ва самарали жорий этиш, педагог кадрларни МҲХС бўйича сертификатлаш ва олий таълим муассасалари ўқув дастурларини аккредитациялаш юзасидан барча зарур чораларни кўрсин, шунингдек, мазкур қарор билан белгиланган вазифалар ижросини таъминласин;

масъул вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар раҳбарлари — мазкур қарор билан тасдиқланган «Йўл харитаси»да назарда тутилган тадбирларни ўз вақтида ва сифатли амалга оширсин;

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги бош директори А.К. Қўчимов ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси раиси вазифасини бажарувчи А.Д. Хаджаев — мазкур қарорнинг мазмун-моҳияти ва амалий аҳамиятини ёритишга оид мақолалар, брифинглар, матбуот анжуманлари, мавзуга оид телекўрсатувлар ташкил этсин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 24 февраль,
ПҚ-4611-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2020 йил 24 февралдаги
ПҚ-4611-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил
19 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикасида аудиторлик
фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари
тўғрисида»ги ПҚ-3946-сон қарорининг 5-бандига
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Биринчи хатбошидан «2020 йил 1 январдан» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

2. «а» кичик банднинг биринчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«а) 2020 йил 1 январдан ҳисобот йили якуни бўйича қуйидаги шартлардан бир вақтнинг ўзида иккитасига жавоб берган тижорат ташкилотлари ҳам ҳар йили мажбурий аудиторлик текширувидан ўтиши лозим:».

3. «б» кичик банди қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«б) Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»-ги Қонунига тегишли ўзгартиришлар кучга кирадиган кундан бошлаб аудиторлик ташкилотлари аудиторлик фаолиятини фақат Халқаро бухгалтерлар федерацияси томонидан нашр этиладиган халқаро аудит стандартлари асосида амалга оширади;».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**84 Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси фаолиятини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида***

Иқтисодиёт ва молия-банк соҳасидаги ислохотларни янада чуқурлаштириш, саноат ва кооперация алоқаларини кенгайтириш, республикани иқтисодий ривожлантиришнинг устувор вазифаларини амалга ошириш ишлари самарадорлиги ва натижадорлигини янада юксалтириш, аҳоли фаровонлигини таъминлаш, хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳамда камбағалликни қисқартиришга доир фаолиятни мувофиқлаштириш, Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020 — 2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида белгиланган ислохотларни самарали амалга ошириш, ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланишни таъминлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг (кейинги ўринларда — Вазирлар Маҳкамаси) ижро этувчи тузилмасини янада такомиллаштириш мақсадида:

1. Вазирлар Маҳкамаси ижро этувчи тузилмасида:

а) қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари — Ўзбекистон Республикаси молия вазири лавозими;

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ёқилғи-энергетика ва кимё саноатини ривожлантириш масалалари бўйича маслаҳатчиси лавозими;

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича маслаҳатчиси лавозими;

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири маслаҳатчиси — «Ўзагротехсаноатхолдинг» АЖ бошқаруви раиси лавозими;

Давлат активларини бошқариш, саноатни ва рақобатни ривожлантириш масалалари котибияти;

Ёқилғи-энергетика ва кимё саноатини ривожлантириш масалалари котибияти;

Қишлоқ хўжалиги машинасозлигини ривожлантириш масалалари котибияти;

Хотин-қизлар ва оилани қўллаб-қувватлаш, ФХДЁ органлари билан ишлаш масалалари котибияти тугатилсин;

б) қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринбосари — иқтисодиёт ва саноат вазири;

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари;

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 25 февралда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг саноатни ва кооперация алоқаларини ривожлантириш масалалари бўйича маслаҳатчиси лавозимлари киритилсин;

в) қуйидагилар:

Ёшлар сиёсати, маданият, маънавият, оммавий ахборот воситалари, ижодий ва жамоат ташкилотлари масалалари котибияти Маҳалла, оила ва ёшларни қўллаб-қувватлаш, маданият, маънавият ва жамоат ташкилотлари масалалари котибияти этиб қайта ташкил қилинсин ва унинг таркибида Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш масалалари шўъбаси ташкил этилсин;

Макроиктисодий таҳлил, таркибий ўзгартиришлар, молия-банк тизими ва хусусий тадбиркорлик масалалари котибияти Макроиктисодий таҳлил, таркибий ўзгартиришлар, молия-банк тизими, давлат активларини бошқариш, рақобатни ривожлантириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари котибияти этиб қайта ташкил қилинсин ва унинг таркибида Камбағалликни қисқартириш ва аҳолининг даромадларини ошириш бўлими ташкил этилсин;

Саноатни ва кооперация алоқаларини ривожлантириш масалалари котибияти ташкил этилсин.

2. Белгилансинки, Вазирлар Маҳкамаси ижро этувчи тузилмасида янги бўлинмаларни ташкил этиш бошқарув ходимларининг амалдаги умумий чекланган сони доирасида амалга оширилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг молия-иктисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринбосари — иқтисодиёт ва саноат вазири зиммасига мавжуд вазифалар билан бир қаторда қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш юклансин:

республикада камбағалликка оид реал аҳволни ўрганиш, халқаро ташкилотлар, жумладан молия институтлари билан ҳамкорликда камбағалликни бартараф этишнинг ўрта ва узоқ муддатли стратегиялари ҳамда дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширилишини таъминлаш;

аҳолида, айниқса, ёшлар ва аёлларда бизнес юритиш ва тадбиркорликнинг замонавий кўникмаларини шакллантириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш, банд бўлмаган аҳолини касбга ўқитиш ва қайта тайёрлаш тизимини ислоҳ қилиш.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг бошқарув ходимлари чекланган сони 241 нафар штат бирлигидан иборат бўлган янги-ланган ижро этувчи тузилмаси иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирига ўрта ва узоқ муддатга мўлжалланган устувор вазифаларни ҳал қилишнинг муҳимлиги ва натижадорлигини ҳисобга олган ҳолда, зарурат бўлганда, Вазирлар Маҳкамаси ходимларининг умумий штатлари сони доирасида унинг ижро этувчи тузилмасига ўзгартиришлар киритиш ҳукуқи берилсин.

5. Вилоятлар, Тошкент шаҳар, туман ва шаҳар ҳокимликларининг бошқарув аппаратида ҳокимнинг иқтисодиёт ва тадбиркорлик масалалари бўйича

* Илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

биринчи ўринбосари (Тошкент вилояти ҳокимлиги бошқаруви аппаратида — ҳокимнинг саноатни ривожлантириш, иқтисодиёт ва тадбиркорлик масалалари бўйича биринчи ўринбосари) лавозими ҳокимнинг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари (Тошкент вилояти ҳокимлиги бошқаруви аппаратида — ҳокимнинг саноатни ривожлантириш, молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари) лавозимига ўзгартирилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

а) куйидагиларни:

бир ҳафта муддатда — Вазирлар Маҳкамаси аппарати бўлинмаларининг тузилмаларини ва янгиланган штат жадвалини;

ўн беш кун муддатда — Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари ва маслаҳатчиларининг функционал вазифаларини;

бир ой муддатда — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг таркибий бўлинмалари тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида Ҳукумат қарорларини қабул қилсин;

б) бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамаси аппаратининг янгидан ташкил этилган таркибий бўлинмаларини замонавий талабларни ҳисобга олган ҳолда, қўйилган вазифалар самарали бажарилишини юксак профессионал даражада таъминлашга қодир бўлган малакали мутахассислар билан тўлдирсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 22 январдаги ПҚ-4569-сон «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ижро этувчи тузилмасини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорининг 3-банди, шунингдек, қарорга 1-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига белгиланган тартибда таклифлар киритсин.

9. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш. Низомиддинов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 24 февраль,
ПҚ-4612-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**85 Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг муддатли
ҳарбий хизматга навбатдаги чақируви ҳамда белги-
ланган хизмат муддатини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни
Қуrolли Кучлар резервига бўшатиш тўғрисида*****[Кўчирма]**

«Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ:

1. Чақирилиш муддатини кечиктириш ҳуқуқига эга бўлмаган Ўзбекистон Республикасининг чақирув ёшидаги фуқаролари 2020 йилнинг март-апрель ойларида муддатли ҳарбий хизматга чақирилсин.

Муддатли ҳарбий хизматни ўташга яроқли ҳамда чақирилиш муддатини кечиктириш ва чақирилишдан озод этиш ҳуқуқига эга бўлмаган, бироқ ушбу чақирув мобайнида Қуrolли Кучлар сафига чақирилмайдиган фуқаролар сафарбарлик чақируви резервига олинсин.

2. Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчилар 2020 йилнинг март-апрель ойларида Ўзбекистон Республикаси Қуrolли Кучлари резервига бўшатилинсин.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши котиби В.В. Махмудов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 26 февраль,
ПҚ-4618-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 26 февралда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

86 Халқаро шартномани тасдиқлаш тўғрисида*

1. 2019 йил 14 июнь кунин Бишкек шаҳрида Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарларининг кенгаши йиғилишида имзоланган Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар ҳукуматлари ўртасида оммавий ахборот воситалари соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги битим тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги юқорида кўрсатилган халқаро шартномани амалга ошириш юзасидан масъул ваколатли орган этиб белгилансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги мазкур халқаро шартнома кучга кириши учун Ўзбекистон Республикаси томонидан зарур бўлган давлат ички тартиб-таомиллари бажарилганлиги ҳамда уни амалга ошириш учун масъул бўлган ваколатли орган ҳақидаги тегишли билдиришномани депозитарийга юборсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳамда тегишли вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари ушбу халқаро шартнома кучга кирганидан кейин Ўзбекистон Республикасининг мажбуриятлари бажарилиши устидан белгиланган тартибда назоратни таъминласин.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 26 февраль,
ПҚ-4619-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 26 февралда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**87 Педагогик таълим соҳасини янада ривожлантириш
чора-тадбирлари тўғрисида***

Мамлакатимизда таълим-тарбия тизимини янги босқичга кўтариш, педагог кадрлар тайёрлаш сифатини илғор халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш ва олий педагогик таълим билан қамров даражасини ошириш борасида изчил чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда.

Жумладан, мактабгача таълим қамровининг ошиши, 11 йиллик умумий ўрта таълим тизимининг жорий қилиниши ҳамда олий маълумотли кадрлар тайёрлаш кўламининг кенгайиши муносабати билан юқори малакали мутахассисларга нисбатан юзага келаётган эҳтиёжни ўз вақтида таъминлаш мақсадида сўнгги йилларда педагог кадрлар тайёрлашга ихтисослашган 1 та хорижий ва 4 та маҳаллий олий таълим муассасаси фаолияти йўлга қўйилди, мазкур таълим соҳаси бўйича хорижий давлатлар билан қўшма таълим дастурлари ташкил этилди.

Шу билан бирга, ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқлари учун юқори малакали кадрлар етказиб бериш борасида ўтказилган таҳлил натижалари аввало таълим соҳаси учун кадрлар тайёрлаш сифатига эътиборни кучайтириш, соҳада илғор хорижий тажрибани кенг жорий этиш, педагогик таълим инфратузилмасини яхшилаш зарурлигини кўрсатмоқда.

Педагогик таълим соҳасини янада такомиллаштириш, замонавий билим ва педагогик технологияларни қўллаш кўникмаларига эга, мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда муносиб хисса қўшувчи юқори малакали мутахассислар тайёрлаш учун профессионал педагог кадрлар етказиб бериш, соҳага илғор таълим технологияларини жорий қилиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида:

1. Қуйидагилар педагогика таълим соҳасини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари этиб белгилансин:

тарбия ва ўқитиш усуллари, ахборот-коммуникация технологиялари ҳамда хорижий тилларни пухта ўзлаштирган, таълим жараёнида замонавий педагогик технологияларни қўллаш кўникмаларига эга профессионал педагог кадрлар тайёрлаш;

педагогик касбга қизиқиши юқори бўлган ёшларни аниқлаш ҳамда уларни мақсадли тайёрлаб ва тарбиялаб боришнинг узлуксиз тизимини жорий қилиш;

педагогик таълим соҳасининг таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича ўқув режа ва дастурларини илғор хорижий тажриба асосида такомиллаштириш, инновацион ўқув-меъёрий ва таълим ресурсларини яратиш ҳамда амалиётга жорий этиш;

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2019 йил 28 февралда эълон қилинган.

соҳада таълим, илм-фан ва ишлаб чиқариш уйғунлигини таъминлаш орқали таълим сифатини яхшилаш, рақобатбардош кадрлар тайёрлаш, илмий ва инновацион фаолиятни самарали ташкил этиш;

педагог кадрлар буюртмачилари эҳтиёж ва талабларини мунтазам ўрганиб бориш, улар билан ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш ҳамда педагог кадрлар тайёрлашнинг илмий асосланган истиқболли режаларини белгилаш ва уларни амалга ошириш;

олий педагогик таълимга рақамли технологияларни жорий этиш, замонавий ахборот-коммуникация ва таълим технологияларининг мустаҳкам интеграциясини таъминлаш пировардида педагог кадрларнинг касбий маҳоратини узлуксиз ривожлантириб бориш учун қўшимча шароитлар яратиш;

педагог кадрлар тайёрловчи олий таълим муассасаларини тизимли ривожлантириш ва уларда бошқарув фаолиятини такомиллаштириш;

педагогик таълим инфратузилмасини яхшилаш, соҳадаги халқаро ҳамкорликни янада кенгайтириш;

юксак маданиятли, амалий касбий кўникмага эга, тарбия, ўқитиш методлари ва баҳолаш мезонларини пухта эгаллаган замонавий педагог кадрларни шакллантириш жараёнлари самарадорлигини ошириш.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги ҳамда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекциясининг ўқув дастурлари ҳажминини инобатга олган ҳолда олий маълумотли педагог мутахассислар тайёрлаш жараёнини оптималлаштириш мақсадида педагогик таълим соҳасининг айрим таълим йўналишлари бўйича кадрлар тайёрлашни ўқиш муддати 3 йил бўлган бакалавриат таълим дастурлари доирасида амалга ошириш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

3. 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб кадрлар тайёрлаш ўқиш муддати 3 йил бўлган бакалавриат таълим дастурлари асосида амалга оширилаётган педагогик таълим соҳасининг айрим бакалавриат таълим йўналишлари рўйхати иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Барча таълим муассасаларига замонавий билим ва юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, мустақил фикрлайдиган ёшларни тарбиялашга қодир бўлган профессионал педагог кадрларни етказиб бериш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Мактабгача таълим вазирлиги:

2020 йил 1 апрелга қадар педагогика таълим соҳасининг бакалавриат таълим йўналишларига ўқишга қабул қилиш жараёнида абитуриентларнинг педагогик касбига лаёқати даражасини аниқлаш механизмлари бўйича таклифлар ишлаб чиқсин ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали, шунингдек, оммавий ахборот воситалари ва Интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали кенг жамоатчилик муҳокама-си ўтказилишини таъминласин;

2020 йил 20 апрелга қадар ишлаб чиқилган абитуриентларнинг педагогик касбига лаёқати даражасини аниқлаш механизмлари бўйича муҳо-

кама натижалари юзасидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига асослантирилган таклифлар киритсин.

5. Худудларда педагогик таълим инфратузилмасини яхшилаш, таълим соҳаси учун мутахассис тайёрловчи олий таълим муассасаларини тизимли ривожлантириш ва бошқарув фаолиятини такомиллаштириш мақсадида:

Самарқанд давлат университети педагогика таълим соҳасининг бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари негизда Самарқанд давлат университетининг Педагогика институти;

Андижон давлат университети педагогика таълим соҳасининг бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари негизда Андижон давлат университетининг Педагогика институти;

Бухоро давлат университети педагогика таълим соҳасининг бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари негизда Бухоро давлат университетининг Педагогика институти;

Тошкент давлат педагогика университетининг Термиз филиали ҳамда Термиз давлат университети педагогика таълим соҳасининг бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари негизда Термиз давлат университетининг Педагогика институти;

Тошкент давлат педагогика университетининг Шаҳрисабз филиали ҳамда Қарши давлат университети педагогика таълим соҳасининг бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари негизда Қарши давлат университетининг Педагогика институти ташкил этилсин.

6. Белгилаб қўйилсинки, мазкур қарорнинг 5-бандида ташкил этилиши назарда тутилган педагогика институтлари:

фаолиятини молиялаштириш 2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг республика бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчи сифатида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига ажратиладиган маблағлар доирасида, етмаган қисми олий таълим муассасаларининг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилади;

мақоми бўйича маҳаллий олий таълим муассасаси филиалига тенглаштирилади.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

икки ой муддатда мазкур қарорнинг 5-бандида назарда тутилган педагогика институтлари фаолиятини ташкил этиш;

уч ой муддатда Қўқон давлат педагогика институти ва Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти фаолиятини тубдан такомиллаштириш тўғрисидаги Ҳукумат қарорларини қабул қилсин.

8. Тошкент давлат педагогика университетига мунтазам илмий-педагогик фаолият билан машғул бўлган, юқори малакали, тегишли соҳада чуқур касбий билим ва ютуқларга эришган ходимларга педагогика ва ўқитиш методикаси ихтисосликлари бўйича доцент ва профессор илмий унвонлари бериш ҳуқуқи берилсин.

9. 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб:

а) қуйидаги механизмлар жорий этилсин:

тегишли ҳудудда 5 йил ишлаб бериш мажбурияти билан халқ таъли-

ми ва мактабгача таълим соҳаларида олий маълумотли педагог кадрларга эҳтиёж юқори бўлган ҳудудлар бўйича давлат буюртмаси параметрларининг давлат гранти асосида ўқишга қабул кўрсаткичлари доирасида мақсадли қабул параметрларини шакллантириш;

тегишли ҳудуддаги олий таълим муассасасида 5 йил ишлаб бериш мажбурияти билан олий таълим соҳасида профессионал педагог кадрларга эҳтиёж юқори бўлган ҳудудлар бўйича салоҳиятли олий таълим муассасалари магистратурасига давлат буюртмаси параметрларининг давлат гранти асосида ўқишга қабул кўрсаткичлари доирасида мақсадли қабул параметрларини шакллантириш;

б) Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Мактабгача таълим вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Фанлар академияси ўқишга мақсадли қабул қилинган талабалар билан тегишли қабул йилининг 1 декабрь кунига қадар мазкур банднинг «а» кичик бандида назарда тутилган мажбуриятларни акс эттирган шартномалар расмийлаштирилишини таъминласин;

в) дастлабки босқичда Тошкент давлат педагогика университетида ўқув жараёни ўқув режа ва дастурлар такомиллаштирилган ҳолда таълимнинг кредит-модуль тизими асосида ташкил этилсин;

г) педагогик фаолиятда умумтаълим фанлари муҳим ўрин тутишини инобатга олган ҳолда алоҳида иқтидор талаб этиладиган педагогика таълим соҳасининг бакалавриат таълим йўналишларига ўқишга қабул қилиш учун касбий (ижодий) имтиҳонлар билан биргаликда мажбурий учта — она тили (ўзбек, рус ёки қорақалпоқ тили), математика ва Ўзбекистон тарихи фанлари бўйича тест синовлари топшириш тартиби жорий қилинсин. Бунда, қоида тариқасида, мажбурий учта фан бўйича тест синовлари касбий (ижодий) имтиҳонлар натижалари эълон қилинганидан сўнг ўтказилиши белгилаб қўйилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда Тошкент давлат педагогика университети ҳузуридаги Республика илмий-педагогика кутубхонаси фаолиятини такомиллаштириш, моддий-техник базасини яхшилаш мақсадида унинг негизида Республика педагогик таълим ресурс марказини ташкил этиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин;

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги билан биргаликда олий таълим муассасаларининг таклифлари асосида 2020/2021 ўқув йилидан бошлаб умумий ўрта таълим мактабларини олий маълумотли педагог кадрлар билан тўлиқ таъминлаш мақсадида мазмун жиҳатидан ўқув дастурлари ўзаро яқин бўлган бакалавриат таълим йўналишлари бўйича асосий ва қўшимча мутахассислик (квалификация) бериш тизимини йўлга қўйсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда педагогик амалиёт даврида талабаларга дарс беришлари учун барча зарурий шарт-шароитлар яратилишини таъминласин.

12. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

13. Мазкур қарор ижроси қўйидаги тартибда амалга оширилсин:

Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазири И.У. Маджидов — ташкил этилаётган педагогика институтлари фаолиятини йўлга қўйиш бўйича зарурий чоралар кўрсин, барча олий таълим муассасаларидаги педагогика таълим соҳасининг бакалаврият таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларида ўқув жараёнини таълимнинг кредит-модуль тизими асосида йўлга қўйилиши ҳамда ўқув дастурлари ўзаро яқин бўлган бакалаврият таълим йўналишлари бўйича асосий ва қўшимча мутахассислик (квалификация) бериш тизими жорий этилишини таъминласин, мазкур қарорда белгиланган вазифаларни амалга оширишда масъул вазирлик ва идораларга услубий ва амалий ёрдам кўрсатсин;

Андижон вилояти ҳокими Ш.Қ. Абдурахмонов, Бухоро вилояти ҳокими Ў.И. Барноев, Қашқадарё вилояти ҳокими З.Т. Мирзаев, Самарқанд вилояти ҳокими Э.О. Турдимов, Сурхондарё вилояти ҳокими Т.А. Боболов — ҳудудларда ташкил этилаётган педагогика институтлари фаолиятини тўлақонли йўлга қўйишда ҳар томонлама қўмаклашсинлар;

масъул вазирлик ва идоралар раҳбарлари — мазкур қарорда назарда тутилган тадбирларни ўз вақтида, сифатли ва тўлиқ бажариш юзасидан зарур чоралар кўрсинлар;

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги бош директори А.К. Кўчимов, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси раиси в. б. А.Д. Хаджаев — ушбу қарорнинг мазмун-моҳияти ва амалий аҳамиятини ёритишга оид мақолалар, брифинглар, пресс-конференциялар, тематик телекўрсатувлар ташкил этсинлар.

14. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси А.А. Абдувахитов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 27 февраль,
ПҚ-4623-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2020 йил 27 февралдаги
ПҚ-4623-сон қарорига
ИЛОВА

**2020/2021 ўқув йилидан бошлаб кадрлар тайёрлаш ўқиш
муддати 3 йил бўлган бакалавриат таълим дастурлари асосида
амалга ошириладиган педагогик таълим соҳасининг айрим
бакалавриат таълим йўналишлари
РЎЙХАТИ**

Т/р	Таълим йўналиши номи
1.	Муסיқа таълими
2.	Жисмоний маданият
3.	Технологик таълим
4.	Чақириққача ҳарбий таълим
5.	Тасвирий санъат ва муҳандислик графикаси
6.	Мактабгача ва бошланғич таълимда жисмоний тарбия ва спорт

БЕШИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ****88 «Солиқ ҳисоботининг шакллари тасдиқлаш тўғрисида» ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида***

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 24 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3126-1

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Молия вазирлиги **қарор қилди:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Молия вазирлигининг 2019 йил 7 январдаги 2019-05, 2-сон «Солиқ ҳисоботининг шакллари тасдиқлаш тўғрисида» ги қарори (рўйхат рақами 3126, 2019 йил 21 январь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 22.01.2019 й., 10/19/3126/2520-сон) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Давлат солиқ
қўмитаси раиси**

Б. МУСАЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 28 январь,
2020-02-сон

Молия вазири

Д. КУЧКАРОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 28 январь,
5-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси» да 2020 йил 24 февралда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

89 Солиқ ҳисоботининг шакллари тасдиқлаш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил
24 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3221*

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси, Ўзбекистон Республикасининг «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги, «Давлат божи тўғрисида»ги ва «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси **қарор қилади:**

1. Қуйидаги солиқ ва бошқа ҳисоботлар ҳисоботининг шакллари тасдиқлансин:

қўшилган қиймат солиғи бўйича 1-иловага** мувофиқ;

акциз солиғи бўйича 2-иловага** мувофиқ;

фойда солиғи бўйича 3-иловага** мувофиқ;

жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи, қатъий белгиланган миқдорлардаги солиқ суммалари ва ижтимоий солиқ бўйича 4-иловага** мувофиқ;

ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ бўйича 5-иловага** мувофиқ;

сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича 6-иловага** мувофиқ;

юрidik шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ бўйича 7-иловага** мувофиқ;

юрidik шахслардан олинадиган ер солиғи бўйича 8-иловага** мувофиқ;

айланмадан олинадиган солиқ бўйича 9-иловага** мувофиқ;

олинган мақсадли маблағлардан фойдаланганлик бўйича 10-иловага** мувофиқ;

давлат божи ва йиғимлар бўйича 11-иловага** мувофиқ;

тижоратбоп топилма бонуси бўйича 12-иловага** мувофиқ.

2. Белгилаб қўйилсинки, 2019 йил учун солиқ ҳисоботи 2019 йилда амал қилган тартиб ва шакллар асосида тақдим этилади.

3. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган.

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 24 февралда эълон қилинган.

** 1 — 12-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

4. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Давлат солиқ
қўмитаси раиси**

Б. МУСАЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 28 январь,
2020-03-сон

Келишилган:

Молия вазирлиги

Д. КУЧКАРОВ

2020 йил 28 январь

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

**90 Тижорат банкларининг ликвидлилигини бошқариш-
га қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга ўзгар-
тириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил
25 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2709-4*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ва «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2015 йил 22 июлдаги 19/14-сон қарори (рўйхат рақами 2709, 2015 йил 13 август) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2015 й., 32-сон, 437-модда) билан тасдиқланган Тижорат банкларининг ликвидлилигини бошқаришга қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 25 февралда эълон қилинган.

2. Мазкур қарор 2020 йилнинг 1 мартидан эътиборан кучга кирази.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 16 январь,
1/5-сон

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки бошқарувининг 2020 йил
16 январдаги 1/5-сон қарорига
ИЛОВА

**Тижорат банкларининг ликвидлилигини бошқаришга
қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга киритилаётган
ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 1-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«кредит ажратиш бўйича шартли мажбурият — кредит шартномасида банкнинг кредит ажратиш бўйича мажбурияти кредитни молиялаштириш учун ресурс маблағлари банкка тушгандан сўнг юзага келиши шартли мавжуд бўлган, лекин ҳисобот санасига бу шарт бажарилмаган мажбурият.».

2. 3-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«3. Юқори ликвидли активларга қуйидагилар кирази:

нақд пуллар;

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Марказий банкнинг қимматли қоғозлари;

банкнинг Марказий банкда очилган ҳисобварақларидаги маблағлари, бундан Марказий банкнинг мажбурий захира ҳисобварағидаги маблағлар мустасно;

таваккалчилик даражаси паст бўлган мамлакатлар ҳукуматлари ва Марказий банклари томонидан чиқарилган қимматли қоғозлар, шунингдек бу мамлакатлар ҳукуматлари ва Марказий банкларига бошқа молиявий талаблар;

таваккалчилик даражаси паст бўлган мамлакатлардаги «Standard & Poor's», «Fitch Ratings» ва «Moody's Investors Service» компанияларининг инвестицион рейтинг даражасидан ёки Марказий банк томонидан тан олинган бошқа рейтинг компанияларининг ушбу рейтинг даражасига тенг бўлган рейтинг баҳоларига эга банкларда чет эл валютасида очилган вакиллик ҳисобварағидаги маблағлар ва овернайт (кунлик) банклараро депозитлар;

«Standard & Poor's», «Fitch Ratings» ва «Moody's Investors Service» компанияларидан бирининг «В-»/«В3» ёки Марказий банк томонидан тан олинган бошқа рейтинг компанияларининг ушбу рейтинг даражасидан

кам бўлмаган рейтинг баҳоларига эга маҳаллий банкларда чет эл валюта-сида очилган вакиллик ҳисобварағидаги маблағлар;

Халқаро валюта фонди, Жаҳон банки гуруҳи (Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки, Халқаро молия корпорацияси, Халқаро инвестициялар-ни кафолатлаш агентлиги, Халқаро тараққиёт ассоциацияси) ҳамда Осиё тараққиёт банки, Осиё инфраструктура инвестиция банки, Европа тикла-ниш ва тараққиёт банки, Европа инвестиция банки, Европа инвестиция жамғармаси, Ислом тараққиёт банки ва Европа Кенгашининг тараққиёт банки томонидан чиқарилган қимматли қоғозлар.».

3. 36 ва 43¹-бандлар ўз кучини йўқотган деб топилсин.

4. 43-банд қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«43. Банклар мажбуриятларининг ўз вақтида ва тўлиқ бажарилишини таъминлаш мақсадида лаҳзали ликвидлилик, ликвидлиликни қоплаш, соф барқарор молиялаштириш ва юқори ликвидли активларининг жами актив-лардаги улушига ўрнатилган меъёрларни бажаришлари лозим.».

5. 43²-банднинг учинчи хатбошисидаги «10 фоиздан» деган сўзлар «25 фоиздан» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

6. Қўйидаги мазмундаги 52¹-банд билан тўлдирилсин:

«52¹. 2020 йил 1 июндан бошлаб банкларнинг юқори ликвидли актив-лари жами активлардаги улуши кун охирига 10 фоиз миқдоридан кам бўлмаслиги лозим.».

7. 55-банднинг бешинчи хатбошиси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«балансдан ташқари моддаларнинг 15 фоизи, бундан депозит билан таъминланган аккредитивлар ва кафолатлар ҳамда кредит ажратиш бўйича шартли мажбуриятлар мустасно.».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

91 «Микрокредит ташкилотларининг кредит сиёсатига нисбатан қўйиладиган талаблар тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил 27 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2230-1

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги, ҳамда «Микрокредит ташкилотлари тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2011 йил 30 апрелдаги 13/5-сонли «Микрокредит ташкилотларининг кредит сиёсатига нисбатан қўйиладиган талаблар тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2230, 2011 йил 25 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2011 й., 20-21-сон, 217-модда) ўз кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 25 январь,
2/9-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 27 февралда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

**92 «Ҳар бир оила — тадбиркор» дастури доирасида
кредитлар ажратиш тартиби тўғрисидаги низомнинг
14-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил
27 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3022-4*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги, «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунларига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 16 январдаги 28-сон «Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ҳузуридаги Кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги тўғрисидаги ҳамда Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2018 йил 8 июндаги 20/1-сон қарори (рўйхат рақами 3022, 2018 йил 9 июнь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 09.06.2018 й., 10/18/3021/1333-сон) билан тасдиқланган «Ҳар бир оила — тадбиркор» дастури доирасида кредитлар ажратиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 14-банди бешинчи хатбошисидаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасининг» деган сўзлар «Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармасининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 15 февраль,
3/4-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 27 февралда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

**93 «Табиий газга қўшимча фойда солиғини ҳисоблаб
чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисидаги
низоми тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгар-
тиришлар ва қўшимчани ўз кучини йўқотган деб топиш тўғри-
сида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил
28 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1909-6*

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси ва Ўзбекистон Респуб-
ликаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонунининг 7-моддасига му-
вофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўми-
таси **қарор қилади:**

1. Айрим идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар иловага мувофиқ ўз
кучини йўқотган деб топилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга ки-
ради.

Молия вазири

Д. КУЧКАРОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 17 февраль,
6-сон

**Давлат солиқ
қўмитаси раиси**

Б. МУСАЕВ

Тошкент ш.,
2020 йил 17 февраль,
2020-05-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 28 фев-
ралда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Молия вазирлиги ва Давлат солиқ
қўмитасининг 2020 йил 17 февралдаги
6 ва 2020-05-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий
норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2009 йил 10 февралдаги 21, 2009-10-сон «Табиий газга қўшимча фойда солиғини ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1909, 2009 йил 24 февраль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 9-сон, 98-модда).

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2010 йил 12 мартдаги 21, 2010-10-сон «Табиий газга қўшимча фойда солиғини ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1909-1, 2010 йил 25 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 12-сон, 91-модда).

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2010 йил 14 июлдаги 56, 2010-31-сон «Табиий газга қўшимча фойда солиғини ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1909-2, 2010 йил 20 июль) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 28-29-сон, 248-модда).

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2014 йил 4 мартдаги 19, 2014-8-сон «Табиий газга қўшимча фойда солиғини ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1909-3, 2014 йил 6 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2014 й., 10-сон, 120-модда).

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2018 йил 28 февралдаги 43, 2018-15-сон «Табиий газга қўшимча фойда солиғини ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1909-4, 2018 йил 9 март) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2018 й., 10-сон, 184-модда).

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг 2019 йил 25 мартдаги 44, 2019-22-сон «Табиий газга қўшимча фойда солиғини ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1909-5, 2019 йил 15 апрель) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2019 й., 16-сон, 312-модда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ**94 Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус муҳ-
рининг ягона намунасини тасдиқлаш ҳақида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил
28 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3222*

Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 14 январдаги ЎРҚ–602-сон «Нотариат тизими тубдан ислоҳ қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ–3666-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус муҳрининг ягона намунаси иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ давлат рўйхатидан ўтказилсин ва бу ҳақда Ҳукумат баённома қарорлари ва идоравий норматив ҳужжатларни ҳуқуқий экспертизадан ўтказиш бошқармаси Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритсин.

3. Қонун ҳужжатларини таҳлил қилиш ва туркумлаш бошқармаси ушбу идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатни барча манфаатдор шахсларга етказилиши ва «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинишини таъминласин.

4. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

5. Мазкур буйруқ ижросини назорат қилиш вазир ўринбосари А. Ташкулов зиммасига юклансин.

Вазир

Р. ДАВЛЕТОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 28 февраль,
55-мҳ-сон

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 28 февралда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
адлия вазирининг 2020 йил 28 февралдаги
55-мх-сон буйруғига
ИЛОВА

**Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус муҳрининг
ЯГОНА НАМУНАСИ***



** Изоҳ: хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуснинг муҳри Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 28 августдаги 401 — сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тасвири туширилган муҳрлар ва ҳужжатлар бланкалари тайёрлаш, фойдаланиш, сақлаш ва йўқ қилиш тартибига асосан тайёрланади, фойдаланилади, сақланади ва йўқ қилинади.*

Муҳр босишда кўк рангли сиёҳдан фойдаланилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МИЛЛИЙ ГВАРДИЯСИ ҚЎМОНДОНИНИНГ
БУЙРУҒИ

95 «Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институтида ҳарбий-профессионал танлаш тадбирларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқ, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил
28 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3019-2*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 8 августдаги ПФ–5505-сон «Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 3 июндаги 141-сон «Ўзбекистон Республикаси олий ҳарбий таълим муассасаларига танлаш тартиби ва қабул қилиш қоидалари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ **буйраман:**

1. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб топилсин:

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўмондонининг 2018 йил 14 майдаги 122-сон «Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институтида ҳарбий-профессионал танлаш тадбирларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 3019, 2018 йил 1 июнь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2018 й., 22-сон, 466-модда);

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўмондонининг 2019 йил 19 апрелдаги 80-сон «Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институтида ҳарбий-профессионал танлаш тадбирларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 3019-1, 2019 йил 13 май) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2019 й., 20-сон, 375-модда).

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Қўмондон
генерал-полковник

Б. ТАШМАТОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 23 январь,
23-сон

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 28 февралда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ ГВАРДИЯСИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

96 Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институтига ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил
28 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3223*

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 3 июндаги 141-сон «Ўзбекистон Республикаси олий ҳарбий таълим муассасаларига танлаш тартиби ва қабул қилиш қоидалари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ва Мудофаа вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институтига ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ва Мудофаа вазирлигининг айрим қарорлари 2-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб топилсин.

3. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Миллий гвардия қўмондони
генерал-полковник**

Б. ТАШМАТОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 23 январь,
3-сон

**Мудофаа вазири
генерал-майор**

Б. КУРБАНОВ

Тошкент ш.,
2020 йил 23 январь,
4-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2020 йил 28 февралда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Миллий гвардияси ва Мудофаа вазирлигининг
2020 йил 23 январдаги 3 ва 4-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник
институтига ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 3 июндаги 141-сон «Ўзбекистон Республикаси олий ҳарбий таълим муассасаларига танлаш тартиби ва қабул қилиш қоидалари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институтига (бундан буён матнда Институт деб юритилади) ўқишга қабул қилиш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

ҳарбий профессионал йўналиш — шахсий майлларга, қизиқишларга, қобилиятларга мувофиқ ва турли мутахассисликлар бўйича ҳарбий кадрларга бўлган эҳтиёжларни ҳисобга олган ҳолда ёшларни ҳарбий касбни асосли танлаш бўйича мақсадга йўналтирилган, режалаштирилган фаолият;

дастлабки танлаш — Институтда ўқиш истагини билдирган фуқаро ёки ҳарбий хизматчига (бундан буён матнда номзод деб юритилади) тегишли маълумотларни, унинг таълим муассасасидаги ўзлаштириши даражасини, индивидуал-психологик хусусиятларини, жисмоний тайёргарлиги ва соғлиғи ҳақидаги маълумотларни дастлабки тўплаш ва ўрганиш;

ҳарбий-профессионал танлаш — якка тартибдаги якуний суҳбатда узил-кесил кўриб чиқиш учун номзоднинг асосланган ва психофизиологик хусусиятларини, тайёрланганлиги ва кўникмаларини, шунингдек соғлиғи ва умумжисмоний тайёргарлигини ҳисобга олган ҳолда унинг танланган ҳарбий мутахассисликни эгаллаб олишга тайёрлигини аниқлашга йўналтирилган комплекс тадбирлар.

2. Номзодлар Институтга ўқишга Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланган Бутлаш режасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси (бундан буён матнда Миллий гвардия деб юритилади) қўмондонининг Институтга қабул ўринларини ажратиш тўғрисидаги буйруғига асосан қабул қилинади.

3. Институт курсантлари контингентини сифатли бутлаш мақсадида қуйидаги тадбирлар амалга оширилади:

ҳарбий-профессионал йўналиш;

дастлабки танлаш;

ҳарбий-профессional танлаш;

тест синовлари.

4. Номзодлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 12 сентябрдаги ПҚ–4447-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳарбий хизматни ўташ тартиби тўғрисидаги низомда белгиланган талабларга жавоб бериши лозим.

5. Номзодлар ва уларнинг ота-оналари Ҳарбий хизматчиларни олий ҳарбий таълим муассасалари ва сержантларни тайёрлаш мактабларида ўқитишга сарфланган бюджет маблағларини давлатга ундириш тартиби тўғрисидаги низомга (рўйхат рақами 2024, 2009 йил 27 октябрь) асосан мудофаа ишлари бўйича бўлимлар ҳамда ҳарбий қисмлар (муассасалар) томонидан моддий масъулиги тўғрисида мазкур Низомнинг 1-иловасига* мувофиқ шаклда ёзма равишда огоҳлантирилади.

6. Миллий гвардия томонидан ҳар йилнинг 1 декабрига қадар Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигига келгуси йил учун Институтга қабул қилинувчи номзодлар сони тўғрисида маълумот тақдим қилинади.

7. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги томонидан мудофаа ишлари бошқармаларига Институтга номзодларни дастлабки танлаш тадбирларини ўтказиш ҳақида топшириқ берилади.

8. Институтга ўқишга қабул қилишни сифатли ташкил этиш ҳамда ҳарбий-профессional танлаш тадбирларини ўтказиш мақсадида Миллий гвардия қўмондонининг буйруғига асосан Институт қабул комиссияси (бундан буён матнда қабул комиссияси деб юритилади) тузилади.

9. Қабул комиссияси таркиби Миллий гвардия қўмондонининг буйруғига асосан Миллий гвардиянинг тегишли соҳавий хизматчилари ва Институт ходимлари орасидан шакллантирилади. Қабул комиссияси ишига келишув асосида вазирлик ва идоралар мутахассислари жалб қилиниши мумкин.

Институтнинг бошлиғи қабул комиссияси раиси ҳисобланади. Қабул комиссияси раиси комиссиянинг ишини ташкиллаштириш, фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш учун масъул ҳисобланади.

10. Қабул комиссияси ҳар йили 10 мартдан 1 сентябрга қадар фаолият юритади.

11. Фуқаролар ўзларининг яшаш жойидаги мудофаа ишлари бўйича бўлимларга мазкур Низомнинг 2-иловасига* мувофиқ шаклдаги ариза билан, ҳарбий хизматчилар ўз хизмат ўташ жойига мазкур Низомнинг 3-иловасига* мувофиқ шаклдаги билдирги билан мурожаат қилади.

Қабул қилинган аризалар (билдиргилар) асосида мудофаа ишлари бўйича бўлимлар ва ҳарбий қисмлар (муассасалар) томонидан тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилади.

Ўқишга кириш учун аризалар (билдиргилар) 1 февралдан 1 апрелга қадар қабул қилинади.

12. Номзодлар томонидан ариза (билдирги) билан бирга мудофаа ишлари бўйича бўлимларга қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

* 1 — 3-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

паспорт нусхаси (аслини кўрсатган ҳолда);
туғилганлик ҳақида гувоҳнома нусхаси (аслини кўрсатган ҳолда);
чақирилувчининг чақирув участкасида қайд этилганлиги тўғрисидаги гувоҳномаси ёки ҳарбий гувоҳномаси нусхаси (аслини кўрсатган ҳолда);
номзод томонидан қўлда ёки компьютерда ёзилган таржимаи ҳол;
номзод тўғрисидаги маълумотлар анкетаси;
ўқиш ёки иш ёхуд хизмат ўташ жойидан тавсифнома (агар ўқиётган ёки ишлаётган ёхуд хизматни ўтаётган бўлса);
ота-онасининг иш жойидан маълумотнома (агар ишлаётган бўлса);
Институтда ўқишга ота-онасининг розилик хати;
маълумоти тўғрисидаги (умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар (ўрта махсус профессионал) ҳужжатлар ҳамда рейтинг дафтарчаси (баҳолар табели) нусхаси;

Институтга ўқишга киришда имтиёزلардан фойдаланиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси (аслини кўрсатган ҳолда);

3 x 4 см ўлчамдаги 6 та рангли фотосурат (бош кийимсиз ва бурчаксиз) ҳамда 4,5 x 6 см ўлчамдаги 4 та рангли фотосурат (бош кийимсиз);

давлат сири бўлган маълумотлар билан ишлашга рухсатномани расмийлаштириш учун зарур бўлган ҳужжатлар (махфий маълумотлар билан ишлаш учун белгиланган шаклдаги рухсатномага эга номзодлардан талаб этилмайди).

13. Ҳарбий хизматчи номзодлар томонидан ўз хизмат ўташ жойига мазкур Низомнинг 12-бандида назарда тутилган ҳужжатлар билан бирга қўшимча равишда Институтга ўқишга киришга тавсия этувчи ҳужжатлар (муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга — ҳарбий бўлинманинг йиғилиши баённомасидан кўчирма, контракт бўйича ҳарбий хизматчиларга эса — ҳарбий қисмнинг аттестация комиссияси йиғилиш баённомасидан кўчирма) тақдим этилади.

2-боб. Ҳарбий-профессионал йўналиш бўйича тадбирларни амалга ошириш

14. Ҳарбий-профессионал йўналиш бўйича тадбирлар ҳарбий хизматчи касбининг моҳиятини ва унга қўйиладиган талабларни очиқ бериш, ёшларда ҳарбий касбни онгли равишда танлашни шакллантириш, муайян ҳарбий мутахассисликни танлашда уларга ёрдам кўрсатиш мақсадида амалга оширилади.

15. Ҳарбий-профессионал йўналиш бўйича тадбирлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 3 июндаги 141-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси олий ҳарбий таълим муассасаларига танлаш тартиби ва қабул қилиш қоидалари тўғрисидаги низомга мувофиқ амалга оширилади.

16. Мудофаа ишлари бўйича бўлимлар ва бошқармалар ҳамда Институт ҳарбий-профессионал йўналиш бўйича тадбирларнинг амалга оширилиши учун масъул ҳисобланади.

3-боб. Дастлабки танлаш тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш

17. Дастлабки танлаш тадбирлари соғлиғига, индивидуал-психологик хусусиятлари ва умумжисмоний тайёргарлигига мувофиқ ҳарбий ихтисосликнинг замонавий талабларига жавоб берадиган, ички туйғу, ғоявий-маънавий барқарорликка, мустаҳкам интеллектуал ва маънавий-ахлоқий салоҳиятга эга бўлган номзодларни аниқлаш мақсадида ўтказилади.

18. Дастлабки танлаш давомида қуйидаги тадбирлар ташкил этилади ҳамда ўтказилади:

- хужжатларни тўплаш ва ўрганиш;
- якка тартибдаги суҳбат;
- тиббий кўрик;
- индивидуал-психологик ўрганиш;
- умумжисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш.

19. Дастлабки танлаш тадбирлари икки босқичда ўтказилади.

Биринчи босқич фуқаро учун — яшаш жойидаги туман (шаҳар) мудофаа ишлари бўйича бўлимларда, «Темурбеклар мактаби» ҳарбий-академик лицейлари ва Миллий гвардия Республика ихтисослаштирилган мусика академик лицейи битирувчилари учун — улар жойлашган ҳудуддаги туман (шаҳар) мудофаа ишлари бўйича бўлимларда, ҳарбий хизматчилар учун — ўз хизмат ўташ жойида 1 февралдан 31 мартга қадар амалга оширилади.

Биринчи босқичда қуйидаги тадбирлар ташкил этилади ва ўтказилади:

- хужжатларни тўплаш ва ўрганиш;
- якка тартибдаги суҳбат;
- бирламчи тиббий кўрик.

Иккинчи босқич фуқаролар ва ҳарбий хизматчилар учун мудофаа ишлари бўйича бошқармаларда 1 апрелдан 31 майга қадар амалга оширилади.

Иккинчи босқичда қуйидаги тадбирлар ташкил этилади ва ўтказилади:

- индивидуал-психологик ўрганиш;
- умумжисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш;
- такрорий тиббий кўрик.

20. Дастлабки танлаш тадбирларида иштирок этадиган номзодларнинг сони чекланмайди.

21. Номзодларнинг хужжатларини тўплаш ва ўрганиш ишлари дастлабки танлаш тадбирларининг биринчи босқичи якунлангунга қадар (31 мартга қадар) амалга оширилади.

22. Мудофаа ишлари бўйича бўлимлар ва бошқармалар томонидан 10 апрелга қадар номзодларга давлат сири бўлган маълумотлар билан ишлаш учун рухсатнома расмийлаштирилади.

23. Якка тартибдаги суҳбат фуқаро билан — туман (шаҳар) мудофаа ишлари бўйича бўлимлар бошлиқлари томонидан, ҳарбий хизматчилар билан — ҳарбий қисмлар (муассасалар), бўлинмаларнинг командирлари (бошлиқлари) томонидан ўтказилади. Бунда, якка тартибдаги суҳбат ном-

зод ариза (билдирги) билан мурожаат қилган кундан бошлаб 10 кун ичида ўтказилади.

24. Якка тартибдаги суҳбат номзодлар тўғрисидаги турли маълумотларни аниқлаштириш (оилавий аҳволи, ота-оналари ва яқин қариндошларининг ҳарбий хизматга муносабати), ҳарбий касбни танлашнинг сабаблари, асосларини аниқлаш, таълим муассасасидаги ўзлаштириш даражасини ва хорижий тилни эгаллаганлик даражасини баҳолаш мақсадида ўтказилади. Якка тартибдаги суҳбат натижаси бўйича мазкур Низомнинг 4-иловасига* мувофиқ шаклда якка тартибдаги суҳбат варақаси тўлдирилади.

25. Номзодларни тиббий кўрикдан ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 декабрдаги ПҚ-4076-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида тинчлик ва уруш даврида тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги низом ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида тинчлик ва уруш даврида тиббий кўрикдан ўтказишни ташкил этиш ва амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга (рўйхат рақами 3147, 2019 йил 3 апрель) (бундан буён матнда Тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги низомлар деб юритилади) мувофиқ амалга оширилади.

26. Фуқароларни бирламчи тиббий кўрикдан ўтказиш мудофаа ишлари бўйича туман (шаҳар) бўлимлари ҳузуридаги тиббий комиссиялар томонидан, Ҳарбий хизматчиларни бирламчи тиббий кўрикдан ўтказиш ҳарбий-тиббий муассасаларнинг ҳарбий-тиббий комиссиялари томонидан 1 февралдан 31 мартга қадар амалга оширилади.

27. Фуқароларни такрорий тиббий кўрикдан ўтказиш мудофаа ишлари бўйича бошқармалар ҳузуридаги тиббий комиссиялар томонидан 1 апрелдан 20 майга қадар амалга оширилади, ҳарбий хизматчилар такрорий тиббий кўрикдан ўтказилмайди.

28. Тиббий кўрикдан ўтказиш натижалари бўйича соғлиғининг ҳолатига кўра номзоднинг Институтда ўқишга яроқлилиги тўғрисида хулоса чиқарилади. Мазкур хулоса номзоднинг шахсий ҳужжатлари йиғма жилдига кўшиб қўйилади.

29. Соғлиғининг ҳолатига кўра Институтда ўқишга яроқсиз деб ҳисобланган ва тиббий комиссиянинг ушбу хулосасидан норози бўлган номзодлар 1 майдан 31 майга қадар Тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги низомларда белгиланган тартибда тиббий кўрикдан ўтказилади. Ўтказилган тиббий кўрик натижасида номзод соғлиғининг ҳолатига кўра Институтда ўқишга яроқли деб ҳисобланган ҳолларда, у дастлабки танлашнинг кейинги тадбирларида умумий тартибда иштирок этади.

30. Соғлиғининг ҳолатига кўра Институтда ўқишга яроқсиз деб ҳисобланган номзодлар дастлабки танлашнинг кейинги тадбирларига қўйилмайди.

31. Номзодлар билан индивидуал-психологик ўрганиш тадбирлари қабул комиссияси раиси томонидан тасдиқланган режа-жадвал асосида мудофаа ишлари бўйича бошқармаларда қабул комиссияси таркибига киритилган мутахассис-психологлар томонидан номзодларни психологик тест синови-

* 4-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

дан ўтказиш йўли билан мазкур Низомнинг 5-иловасига мувофиқ Индивидуал-психологик ўрганиш методикасига асосан 1 апрелдан 20 майга қадар ўтказилади.

32. Индивидуал-психологик ўрганиш бўйича тасдиқланган режа-жадвал мудофаа ишлари бошқармаларига ҳар йили 25 мартга қадар юборилиши лозим.

33. Индивидуал-психологик ўрганиш натижалари бўйича қуйидаги ҳу-лосалардан бири чиқарилади:

номзод дастлабки танлашнинг кейинги тадбирида иштирок этишга тав-сия этилади;

номзод дастлабки танлашнинг кейинги тадбирида иштирок этишга тав-сия этилмайди.

34. Индивидуал-психологик ўрганиш натижалари бўйича дастлабки танлашнинг кейинги тадбирида иштирок этишга тавсия этилмаган номзод-лар дастлабки танлашнинг кейинги тадбирларига қўйилмайди.

35. Номзодларнинг умумжисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш қабул комиссияси раиси томонидан тасдиқланган режа-жадвал асосида мудофаа ишлари бўйича бошқармалар бошлиқлари белгилаган жойларда қабул комиссияси таркибига киритилган мутахассислар томонидан мазкур Низомнинг 6-иловасига мувофиқ Умумжисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш методикаси асосида 1 апрелдан 20 майга қадар ўтказилади.

36. Номзодларнинг умумжисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш бўйича тасдиқланган режа-жадвал мудофаа ишлари бошқармаларига ҳар йили 25 мартга қадар юборилиши лозим.

37. Умумжисмоний тайёргарлик даражаси бўйича белгиланган талаб-ларга жавоб бермаган номзодлар дастлабки танлашнинг кейинги тадбирла-рига қўйилмайди.

38. Дастлабки танлаш тадбирларидан муваффақиятли ўтган номзодлар-нинг шахсий ҳужжатлари йиғма жилди тўлиқ расмийлаштирилгандан сўнг тегишли мудофаа ишлари бўйича бошқармалар ва ҳарбий қисмлар (муас-сасалар) томонидан 10 июнга қадар Институтга юборилади.

4-боб. Ҳарбий-профessional танлаш тадбирларини ўтказиш

39. Ҳарбий-профessional танлаш тадбирлари ўзининг психофизиоло-гик хусусиятларига ва соғлиғига кўра ҳарбий мутахассисликнинг замона-вий талабларига жавоб берадиган, ҳарбийлик касбини егаллашнинг сабаб-асосларига, етакчилик фазилатларига, ички туйғуга, мустаҳкам маънавий-ахлоқий ва интеллектуал салоҳиятга эга бўлган номзодларни аниқлаш мақ-садида ўтказилади.

40. Қабул комиссияси томонидан ҳар йили 1 июнга қадар ҳарбий-про-фessional танлаш тадбирларини ўтказиш муддатлари белгиланган режа-жадвал ишлаб чиқилиб, қабул комиссияси раиси томонидан тасдиқланади ва мудофаа ишлари бўйича бошқармаларга юборилади.

41. Ҳарбий-профессионал танлаш тадбирлари июнь ойида Институтда ўтказилади.

42. Мудофаа ишлари бўйича бошқармалар ва ҳарбий қисмлар (муассасалар) номзодларга режа-жадвалга мувофиқ ҳарбий-профессионал танлаш тадбирларини ўтказиш муддатлари ҳақида хабар беради.

43. Ҳарбий-профессионал танлаш давомида қуйидаги тадбирлар ташкил этилади ва ўтказилади:

ҳужжатларни ўрганиш;
психофизиологик ўрганиш;
тиббий кўрикдан ўтказиш;
ёзма иш (диктант);

компьютер техникаси ва ахборот-коммуникация технологияларини эгаллаб олганлик даражасини текшириш;
якка тартибдаги якуний суҳбат.

44. Қабул комиссиясининг номзодлар ҳужжатларини ўрганиш бўйича масъул бўлган аъзолари ҳужжатларни ўрганишда Институтга тақдим этилган шахсий ҳужжатлар йиғма жилдларини рўйхатга олади ҳамда уларнинг белгиланган талабларга мувофиқлигини текширади.

45. Номзодларнинг психофизиологик ҳолатини ўрганиш қабул комиссияси мутахассислари томонидан мазкур Низомнинг 7-иловасига мувофиқ Психофизиологик ўрганиш методикаси асосида ўтказилади.

46. Психофизиологик ўрганиш автоматлаштирилган психофизиологик комплекслар ёрдамида амалга оширилади.

47. Психофизиологик ўрганиш номзод ҳиссий (соматик), психоэмоционал жиҳатдан нормал ҳолатда бўлгандагина ўтказилиши лозим.

48. Психофизиологик ўрганиш бошланишидан олдин ўзини ёмон ҳис қилаётган ёки соғлиғидан шикоят қилаётган номзодлар мазкур ўрганишга қўйилмайди. Бунда, қабул комиссияси аъзоси томонидан мазкур ҳолат юзасидан далолатнома тузилади.

Мазкур бандда назарда тутилган сабабларга кўра психофизиологик ўрганишга киритилмаган номзодга кейинги гуруҳлар таркибида психофизиологик ўрганишдан ўтиш учун қабул комиссияси томонидан рухсат берилиши лозим.

49. Психофизиологик ўрганиш натижалари якка тартибдаги якуний суҳбат давомида қарор қабул қилишда ҳисобга олинади.

50. Номзодларни ҳарбий-профессионал танлаш тадбирлари доирасида тиббий кўрикдан ўтказиш Миллий гвардия қўмондонининг буйруғи билан тасдиқланадиган таркибда Институт ҳузуридаги ҳарбий-тиббий комиссия томонидан амалга оширилади.

51. Тиббий кўрик Тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги низомларга мувофиқ ўтказилиши лозим.

52. Тиббий кўрикдан ўтказиш натижалари бўйича соғлиғининг ҳолатига кўра номзоднинг Институтда ўқишга яроқлилиги тўғрисида хулоса чиқарилади.

53. Соғлиғининг ҳолатига кўра Институтда ўқишга яроқсиз деб ҳисоб-

ланган номзодлар ҳарбий-профессional танлашнинг кейинги тадбирларига қўйилмайди. Институт ҳузуридаги ҳарбий-тиббий комиссиянинг хулосасидан норози бўлган номзодлар Тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисидаги низомларда белгиланган тартибда тиббий кўрикдан ўтказилади.

54. Ёзма иш диктант ёзиш йўли билан номзоднинг орфографик ва пунктуацион саводхонлигини баҳолаш мақсадида қабул комиссияси томонидан мазкур Низомнинг 8-иловасига мувофиқ Диктант ўтказиш методикаси ва баҳолаш мезонлари асосида амалга оширилади.

55. Диктантнинг мавзулари ва матнлари қабул комиссияси раиси томонидан тасдиқланади.

56. Диктантнинг тасдиқланган мавзу ва матнлари қабул комиссиясининг масъул котибида сақланади ва у уларнинг ошкор қилинмаслигини таъминлайди.

57. Диктант ўтказилаётган аудиторияга китоб, уяли телефон, компьютер, телекоммуникация воситалари ва шпаргалкалар олиб кириш тақиқланади.

58. Аудиторияда номзодларга диктант матнини ўқиб эшиттирган шахс томонидан шу аудиториядаги номзодларнинг ёзган диктантлари текширилишига йўл қўйилмайди.

59. Номзодларнинг ёзган диктантларини текширган шахс мазкур Низомнинг 8-иловасига мувофиқ Диктант ўтказиш методикаси ва баҳолаш мезонлари асосида диктантларни баҳолайди ва диктант учун махсус бланкага ўзининг имзосини қўяди.

60. Номзодларга диктантни қайта топширишга рухсат берилмайди.

61. Диктант натижалари якка тартибдаги якуний суҳбат давомида қарор қабул қилишда ҳисобга олинади.

62. Номзоднинг компьютер техникаси ва ахборот-коммуникация технологияларини (бундан буён КТ ва АКТ деб юритилади) эгаллаб олганлик даражасини аниқлаш компьютер ёрдамида, тест шаклида мазкур Низомнинг 9-иловасига мувофиқ Компьютер техникасини ва ахборот-коммуникация технологияларини эгаллаб олганлик даражасини текшириш методикаси асосида ўтказилади.

63. КТ ва АКТни эгаллаб олганлик даражасини текшириш тест синови кўринишида 1 июнь кунига қадар қабул комиссияси томонидан умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-хунар (ўрта махсус professional) таълими ўқув дастурларига мувофиқ ишлаб чиқилади ва қабул комиссияси раиси томонидан тасдиқланади. Тест саволлари ва уларнинг жавоблари қабул комиссияси масъул котибида сақланади ва у уларнинг ошкор қилинмаслигини таъминлайди.

64. Номзоднинг тест саволларига берган жавоблари мазкур Низомнинг 9-иловасига мувофиқ Компьютер техникасини ва ахборот-коммуникация технологияларини эгаллаб олганлик даражасини текшириш методикаси асосида баҳоланади.

65. Номзоднинг КТ ва АКТни эгаллаб олганлик даражасини текшириш натижалари якка тартибдаги якуний суҳбат давомида қарор қабул қилишда ҳисобга олинади.

66. Якка тартибдаги якуний суҳбат номзоднинг Институтга ўқишга кириши сабабини, етакчилик фазилатларини, ақлий қобилиятлари ва бошқа муҳим профессионал фазилатларини аниқлаш мақсадида ягона методика бўйича психофизиологик ўрганиш, диктант натижалари, КТ ва АКТни эгаллаб олганлик даражасини текшириш натижалари асосида ўтказилади.

67. Номзодларга ҳарбий-профессионал танлаш тадбирлари бошланишидан олдин қабул комиссияси томонидан якка тартибдаги якуний суҳбат ўтказиш бўйича тушунчалар, суҳбат давомида берилиши мумкин бўлган саволларнинг умумий йўналишлари ва бошқа зарур маълумотлар берилиши лозим.

68. Якка тартибдаги якуний суҳбат мазкур Низомнинг 10-иловасига мувофиқ Якка тартибдаги якуний суҳбат ўтказиш методикаси ва баҳолаш мезонлари асосида ўтказилади.

69. Номзодларга бериладиган саволлар номзоднинг ўқишга кириш сабабини, етакчилик фазилатларини, ақлий қобилиятини, дунёқараши ва бошқа муҳим профессионал фазилатларини аниқлашга йўналтирилган бўлиши лозим. Саволлар умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-ҳунар (ўрта махсус профессионал) таълими ўқув дастурларига мувофиқ ишлаб чиқилади.

70. Якка тартибдаги якуний суҳбат давомида номзодларга бериладиган саволлар рўйхати қабул комиссияси томонидан шакллантирилиб 1 июнь кунига қадар қабул комиссияси раиси томонидан тасдиқланади. Якка тартибдаги якуний суҳбат саволлари қабул комиссияси масъул котибида сақланади ва у уларнинг ошкор қилинмаслигини таъминлайди.

71. Якка тартибдаги якуний суҳбат қабул комиссияси томонидан 30 июнга қадар коллегиал принцип бўйича ўтказилади.

72. Номзодларнинг саволларга берган жавоблари мазкур Низомнинг 10-иловасига мувофиқ Якка тартибдаги якуний суҳбат ўтказиш методикаси ва баҳолаш мезонлари асосида баҳоланади.

73. Якка тартибдаги якуний суҳбат натижалари шу куннинг ўзида номзодларга эълон қилиниши лозим.

74. Якка тартибдаги якуний суҳбатдан муваффақиятсиз ўтган номзодларга уни қайта топширишга рухсат берилмайди.

75. Номзодларнинг психофизиологик ўрганиш, диктант, КТ ва АКТни эгаллаб олганлик даражасини текшириш ҳамда якка тартибдаги якуний суҳбат натижалари бўйича қайд этган натижалари қабул комиссияси масъул котиби томонидан мазкур Низомнинг 10-иловасида кўрсатилган шаклдаги Ҳарбий-профессионал танлаш тадбирлари натижалари бўйича қайдномага киритилади.

76. Ҳарбий-профессионал танлашнинг барча тадбирлари натижалари бўйича номзодларнинг қайд этган натижалари умумлаштирилиб, уларнинг ўртача арифметик баҳоси аниқланади.

77. Номзодларнинг аниқланган ўртача арифметик баҳоси асосида қабул комиссияси томонидан номзодни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази (бундан буён матнда Давлат тест маркази деб юритилади) томонидан ўтказиладиган тест синовларини топширишга қўйиш ёки қўймаслик тўғрисида қарор қабул қилинади.

78. Ўртача арифметик баҳоси 3 ва ундан юқори бўлган номзодлар Давлат тест маркази томонидан ўтказиладиган тест синовларини топширишга қўйилади.

79. Қабул комиссиясининг номзодни Давлат тест маркази томонидан ўтказиладиган тест синовларини топширишга қўйиш ёки қўймаслик тўғрисидаги қарори мазкур Низомнинг 10-илоvasида кўрсатилган шаклдаги Ҳарбий-профессионал танлаш тадбирлари натижалари бўйича қайдномага киритилади.

Ҳарбий-профессионал танлаш тадбирлари натижалари бўйича қайднома қабул комиссиясининг аъзолари томонидан имзоланади.

80. Ҳарбий-профессионал танлаш натижасидан норози бўлган номзодлар қабул комиссияси буйруғи билан тузиладиган апелляция комиссиясига (бундан буён матнда Апелляция комиссияси деб юритилади) апелляция бериш ҳуқуқига эга.

81. Апелляция комиссияси таркибига қабул комиссия фаолиятида иштирок этмаган Институт ходимлари орасидан комиссия раиси ва камида тўрт нафар аъзо киритилади.

82. Номзод ҳарбий-профессионал танлаш натижасидан норози бўлган тақдирда ҳарбий-профессионал танлаш натижаси эълон қилинган вақтдан бошлаб 3 кун давомида апелляция бериши мумкин. Номзод томонидан берилган апелляция Апелляция комиссияси томонидан 3 кун ичида кўриб чиқилиши лозим. Номзод унинг апелляцияси Апелляция комиссияси томонидан кўриб чиқилишида иштирок этиш ҳуқуқига эга.

83. Апелляция комиссияси номзоднинг апелляциясини кўриб чиқиб, унинг натижаси бўйича тегишли қарор қабул қилади. Қарорда номзоднинг Давлат тест маркази томонидан ўтказиладиган тест синовларини топширишга қўйилиши ёки қўйилмаслиги кўрсатилади.

Апелляция комиссияси тегишли қарорнинг қабул комиссиясига ва номзодга етказилишини таъминлайди.

84. Тест синовларини топширишга қўйилган номзодлар тест синовларини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 3 июндаги 141-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси олий ҳарбий таълим муассасаларига танлаш тартиби ва қабул қилиш қоидалари тўғрисидаги низомга ҳамда Олий ҳарбий таълим муассасаларида тест синовларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга (рўйхат рақами 2477, 2013 йил 12 июль) мувофиқ топширадилар.

85. Номзод умумтаълим муассасаларида чет тили сифатида инглиз, немис ёки француз тилларини ўрганган тақдирда чет тили бўйича тест синовлари топширади.

Умумтаълим муассасаларида бошқа чет тили (испан, араб, форс, дари, хинд, урду, хитой, корейс, уйғур ва бошқа тиллар) бўйича ўқиган тақдирда номзод тест синовлари ўрнига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 3 июндаги 141-сон қарори билан тасдиқланган Олий ҳарбий таълим муассасаларида ягона кўп балли баҳолаш тизими бўйича чет тилидан имтиҳон ўтказиш тартибига мувофиқ ягона кўп балли имтиҳон тизими бўйича чет тилидан имтиҳон топширади.

Номзод олий ҳарбий таълим муассасасига ўқишга кириш учун берилган аризада (билдиргида) қайси чет тилидан имтиҳон топширишини кўрсатади.

5-боб. Яқуний қоидалар

86. Номзодлар мазкур Низом талабларига, ҳарбий ва хизмат интизомига риоя қилмаган тақдирда қабул комиссияси уларни ўқишга қабул қилиш бўйича танлашнинг исталган босқичида танловдан четлатиш ҳуқуқига эга.

87. Институтга ўқишга қабул қилинмаган номзодларнинг шахсий ҳужжатлар йиғма жилдлари тест синовлари натижалари эълон қилинган кундан эътиборан 5 кун ичида тегишли мудофаа ишлари бўйича бўлимлар ва ҳарбий қисмларга (муассасаларга) юборилади.

88. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси
Ҳарбий-техник институтига ўқишга қабул
қилиш тартиби тўғрисидаги низомга
5-ИЛОВА

Индивидуал-психологик ўрганиш МЕТОДИКАСИ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Индивидуал-психологик ўрганиш номзодларни мазкур Методикада белгиланган тартибда психологик тест синовидан ўтказиш орқали амалга оширилади.

2. Психологик тестлар, уларнинг жавоблари, баҳолаш мезонлари ва жавоблар бланкалари Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институтидagi ўқишнинг ўзига хослиги ҳисобга олинган ҳолда қоида тариқасида, ҳар уч йилда бир маротаба Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Кадрлар бошқармаси психолог мутахассислари томонидан қайта ишлаб чиқилиб, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўмондони томонидан тасдиқланади ҳамда ҳар йили психологик тест синовлари бошлангунга қадар Институт қабул комиссияси раисига юборилади.

3. Психологик тестлар, уларнинг жавоблари, баҳолаш мезонлари ва жавоблар бланкалари Институт қабул комиссиясининг индивидуал-психологик ўрганиш бўйича масъул аъзосида сақланади ва у тестлар ва жавобларнинг ошкор бўлиб кетмаслиги учун масъул ҳисобланади.

4. Дастлаб номзодлар Институт қабул комиссиясининг индивидуал-психологик ўрганиш бўйича масъул бўлган мутахассислар томонидан индивидуал-психологик ўрганишни ўтказиш тартиби, шунингдек ҳар бир вазифа бўйича тайёрланган тест саволлари жавобларини топганлик учун назарда

тутилган баҳолаш мезонлари билан таништирилади ҳамда уларга тегишли йўл-йўриқлар берилади.

2-боб. Индивидуал-психологик ўрганишни ўтказиш

5. Индивидуал-психологик ўрганиш якка тартибда ёки номзодларни гуруҳларга бўлган ҳолда ўтказилиши мумкин.

6. Индивидуал-психологик ўрганиш номзодларни гуруҳларга бўлган ҳолда ўтказилганда, хонада номзодлар сони 40 нафардан ортиқ бўлмаслиги зарур.

7. Индивидуал-психологик ўрганиш давомида номзодларга бир нечта вазифалар бўйича психологик тестлар берилади.

8. Психологик тестлар номзодларнинг қуйидаги индивидуал-психологик хусусиятларини аниқлашга йўналтирилади:

ақл-заковати, умумий интеллектуал салоҳияти ва хотираси;

мантикий фикрлаши, зийраклиги, тафаккур шакллари ривожланганлик даражаси, фикрлаш тезлиги ва таҳлил қилиш қобилиятлари;

шахсига хос индивидуал хусусиятлари, киришимлилиги, психик турғунлиги, самимийлиги;

касбни танлашининг мақсади ва мақсадининг барқарорлиги.

9. Психологик тест бошлангунга қадар номзоднинг соғлиғи суриштирилади. Ўзини ёмон ҳис қилаётганидан шикоят қилган номзодлар ўрганишга қўйилмайди. Бундай ҳолатда далолатнома тузилади ва унга кейинги индивидуал-психологик ўрганишдан ўтиш учун рухсат берилади.

10. Жавоблар варақасининг тўғри тўлдирилиши учун номзод шахсан жавобгар ҳисобланади.

11. Психологик тест синовлари ўтказиладиган хонага микрокалькулятор, луғат, жадвал, китоб, уяли телефон, компьютер ва бошқа телекоммуникация воситалари олиб кириш ва улардан фойдаланиш тақиқланади.

12. Психологик тест ўтказиш вақтида ўрганиш ўтказаетган шахслар номзодларни узлуксиз равишда кузатиб туради.

13. Барча топшириқлар бажариб бўлингандан сўнг, номзодлар жавоблар бланкаларини ўрганиш ўтказаетган мутахассислардан бирига топширади. Ўрганиш ўтказган мутахассислар жавоблар бланкаларини қабул қилишда уларнинг тўғри тўлдирилганлигига эътибор бериши зарур.

14. Вазифаларнинг барчасини муваффақиятли топширган номзодга дастлабки танлашнинг кейинги тадбирларида иштирок этиш учун рухсат берилади.

15. Вазифаларни муваффақиятли топшира олмаган номзоднинг такрорий тест синовларидан ўтишига йўл қўйилмайди.

3-боб. Якуний қоидалар

16. Индивидуал-психологик ўрганиш синовларини топширган номзодларга қайднома расмийлаштирилади.

17. Мазкур қайдномада номзодлар томонидан тўпланган баллар ва индивидуал-психологик ўрганиш бўйича хулоса акс эттирилади.

18. Қайднома Институт қабул комиссиясининг индивидуал-психологик ўрганиш бўйича масъул аъзолари томонидан имзоланади.

19. Индивидуал-психологик ўрганиш натижаларидан норози бўлган номзод унга нисбатан берилган хулосани асослантирувчи маълумот билан танишиш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси
Ҳарбий-техник институтига ўқишга қабул
қилиш тартиби тўғрисидаги низомга
6-ИЛОВА

Умумжисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш МЕТОДИКАСИ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Номзодларнинг умумжисмоний тайёргарлик даражаси уларнинг мазкур Методикада назарда тутилган тегишли машқларни бажаришини текшириш орқали баҳоланади.

2. Номзодларнинг умумжисмоний тайёргарлик кўрганлигини баҳолаш бўйича Институт қабул комиссияси таркибига киритилган мутахассислар томонидан дастлаб номзодларга машқларни бажаришга қўйиладиган талаблар ва мезонлар ҳамда машқларни бажариш тартиби тушунтирилади.

3. Номзодлар умумжисмоний тайёргарлик даражасини баҳолаш тадбирларига:

фуқаролар спорт кийимида келишлари тавсия этилади;
ҳарбий хизматчилар ҳарбий кийимда келишлари лозим.

4. Номзодлар қўйидаги машқларни бажаради:

турникда тортилиш;

100 метрга югуриш;

3000 метрга югуриш.

5. Машқлар оралиғида номзодларга дам олиш учун камида 15 дақиқа вақт берилади.

6. Белгиланган машқларни узрсиз сабабларга кўра топширмаган ёхуд топширишдан бош тортган номзодлар қониқарсиз баҳоланади.

2-боб. Машқларни бажаришга қўйиладиган талаблар ва мезонлар

7. Турникда тортилиш машқини бажаришда:

бош бармоқ поя ичкарисидан ушланади, тана биров ростланади, тизза бўғими тўғирланади, оёқ учлари чўзилади, товонлар бирлаштирилади;

ияк турник поясидан ўтгунга қадар қўллар букилади;
ҳаракат тўлиқ амалга оширилиши билан дастлабки ҳолатга қайтилади (осилиш ҳолати 1-2 сония давом этади).

Ушбу машқни бажаришда оёқлар орасини очиш, танани ҳаракатсиз ҳолатда эгиш ҳамда оёқлар билан силтанма ҳаракатлар қилиш тақиқланади.

Жуфт тутилган оёқларни 45° гача букишга рухсат берилади.

8. Номзодларнинг турникда тортилиш машқи тўрт босқичли тизимда қуйидагича баҳоланади:

а) фуқаролар учун:

12 маротаба ва ундан кўп тортилганда — «аъло»;

10-11 маротаба тортилганда — «яхши»;

8-9 маротаба тортилганда — «қониқарли»;

1 — 7 маротаба ёхуд умуман тортила олмаганда — «қониқарсиз» деб баҳоланади.

б) ҳарбий хизматчилар учун:

14 маротаба ва ундан кўп тортилганда — «аъло»;

12-13 маротаба тортилганда — «яхши»;

10-11 маротаба тортилганда — «қониқарли»;

1 — 9 маротаба тортилганда ёхуд умуман тортила олмаганда — «қониқарсиз» деб баҳоланади.

9. 100 метрга югуриш машқи:

юқори ёки қуйи стартдан амалга оширилади;
стадионнинг югуриш йўлакчаси ёки қаттиқ қопламали текис жойларда ўтказилади.

10. Номзодларнинг 100 метрга югуриш машқи тўрт босқичли тизимда қуйидагича баҳоланади:

а) фуқаролар учун:

14,0 сония ичида бажарган тақдирда — «аъло»;

14,1 — 14,4 сония ичида бажарган тақдирда — «яхши»;

14,5 — 15,0 сония ичида бажарган тақдирда — «қониқарли»;

15,1 сония ичида ва ундан кўп вақтда бажарган тақдирда — «қониқарсиз» деб баҳоланади.

б) ҳарбий хизматчилар учун:

14,0 сония ичида бажарган тақдирда — «аъло»;

14,1 — 14,4 сония ичида бажарган тақдирда — «яхши»;

14,5 — 15,2 сония ичида бажарган тақдирда — «қониқарли»;

15,3 сония ва ундан кўп вақтда бажарган тақдирда — «қониқарсиз» деб баҳоланади.

11. 3000 метрга югуриш машқлари стадионнинг югуриш йўлакчалари ёки текис жойларда, умумий ёки алоҳида старт берилган ҳолда ўтказилади. Старт ва марра чизиқлари бир жойда белгиланиши мумкин.

12. Номзодларнинг 3000 метрга югуриш машқи тўрт босқичли тизимда қуйидагича баҳоланади:

а) фуқаролар учун:

12,40 дақиқа ичида бажарган тақдирда — «аъло»;

12,40 дақиқадан кўп, бироқ 13,20 дақиқагача бажарган тақдирда — «яхши»;

13,20 дақиқадан кўп, бироқ 14,0 дақиқагача бажарган тақдирда — «қониқарли»;

14,0 дақиқадан кўп вақтда бажарган тақдирда — «қониқарсиз» деб баҳоланади.

б) ҳарбий хизматчилар учун:

12,40 дақиқа ичида бажарган тақдирда — «аъло»;

12,40 дақиқадан кўп, бироқ 13,0 дақиқагача бажарган тақдирда — «яхши»;

13,0 дақиқадан кўп, бироқ 13,35 дақиқагача бажарган тақдирда — «қониқарли»;

13,35 дақиқадан кўп вақтда бажарган тақдирда — «қониқарсиз» деб баҳоланади.

13. Номзодларнинг умумжисмоний тайёргарлик даражасини баҳолашда номзод камида битта «қониқарсиз» баҳо олган бўлса, у умумжисмоний тайёргарлик синовларидан ўтмаган деб ҳисобланади.

14. Умумжисмоний тайёргарлик синовларидан ўтмаган номзодларга машқларни такрорий бажаришга рухсат берилмайди.

3-боб. Якуний қоидалар

15. Умумжисмоний тайёргарлик синовларини топширган номзодларга қайднома расмийлаштирилади.

16. Мазкур қайдномада номзодлар томонидан бажарилган машқлар ва улар учун қўйилган баҳолар кўрсатилади.

17. Қайднома номзодларнинг умумжисмоний тайёргарлик кўрганлигини баҳолаш бўйича Институт қабул комиссиясининг аъзолари томонидан имзоланади ҳамда шу куннинг ўзида қабул комиссиясининг масъул котибига топширилади.

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси
Ҳарбий-техник институтига ўқишга қабул
қилиш тартиби тўғрисидаги низомга
7-ИЛОВА

Психофизиологик ўрганиш МЕТОДИКАСИ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Психофизиологик ўрганиш номзоднинг психофизиологик хислатлари ва индивидуал хусусиятларини аниқлаш мақсадида Институт қабул комиссияси мутахассислари томонидан ўтказилади.

2. Номзодларни психофизиологик ўрганиш автоматлаштирилган психофизиологик комплекслар (бундан буён матнда махсус комплекс деб юритилади) ёрдамида ўтказилишининг асосий тамойили — номзоднинг психофизиологик хусусияти бўйича ҳулоса қилишда инсон омилидан ҳоли бўлиш ва субъективликдан сақланиш ҳисобланади.

3. Психофизиологик ўрганиш ўтказиладиган кунда номзод махсус жиҳозланган хонага киритилишдан олдин унга мазкур Методикада назарда тутилган психофизиологик ўрганиш ўтказиш тартиби, махсус комплекснинг техник хусусиятлари, хавфсизлик нуқтаи назаридан ўзини қандай тутиши лозимлиги тушунтирилади ҳамда тегишли йўл-йўриқлар берилади.

2-боб. Психофизиологик ўрганишни ўтказиш

4. Психофизиологик ўрганиш ҳар бир номзод учун алоҳида ўтказилади.

5. Психофизиологик ўрганиш махсус жиҳозланган хонада ўтказилади.

Ушбу хона етарли даражада табиий ёки сунъий ҳолда ёритилган, шовқиндан ҳимояланган бўлиши, номзодга ажратилган жой эса қулай бўлиши лозим.

6. Психофизиологик ўрганиш ўтказиладиган хонага фақат бир нафар номзод киритилади.

7. Номзодлар психофизиологик ўрганиш ўтказиладиган хонага ўзининг шахсини тасдиқловчи ҳужжатини кўрсатган ҳолда киритилади.

8. Психофизиологик ўрганишда номзоднинг қўлларига махсус комплекснинг электродлари уланади ҳамда мазкур электродлар орқали 10 дақиқагача бўлган вақт давомида кичик қувватли электр импульслар узатилади.

9. Психофизиологик ўрганиш давомида номзод билан мулоқотга киришишга йўл қўйилмайди.

10. Психофизиологик ўрганиш давомида номзод узлуксиз равишда кузатиб турилади.

11. Психофизиологик ўрганиш якунида махсус комплекс номзоднинг психофизиологик хусусиятини «5» баллик тизимда баҳолайди.

12. Психофизиологик ўрганишда узрсиз сабабларга кўра қатнашмаган номзодлар «0» балл билан баҳоланади ва қайта топширишга йўл қўйилмайди.

3-боб. Якуний қоидалар

13. Психофизиологик ўрганиш натижалари бўйича шу куннинг ўзида мазкур Методиканинг иловасига* мувофиқ шаклда қайднома расмийлаштирилади.

14. Қайднома психофизиологик ўрганишда иштирок этган комиссия аъзолари томонидан имзоланади ҳамда шу куннинг ўзида Институт қабул комиссиясининг масъул котибига топширилади.

* Илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси
Харбий-техник институтига ўқишга қабул
қилиш тартиби тўғрисидаги низомга
8-ИЛОВА

Диктант ўтказиш методикаси ва баҳолаш МЕЗОНЛАРИ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Номзоднинг орфографик ва пунктуацион саводхонлигини баҳолаш мақсадида диктант ёздирилади.

Диктант учун умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар (ўрта махсус профессионал) таълими ўқув дастурлари доирасида ўтилган мавзуларга мувофиқ келадиган ва номзоднинг олган билимларини аниқлаш имкониятини берадиган материаллар танланади.

2. Диктант бошланишидан олдин комиссияси аъзолари томонидан номзодларга диктант ўтказиш тартиби тушунтирилади ҳамда диктант учун махсус бланкалар тарқатилади.

3. Номзод махсус бланканинг тегишли қисмига ўзининг фамилияси, исми ва отасининг исмини ёзади.

4. Номзодларга ўқиб эшиттириладиган диктант матнининг ҳажми 90 — 120 та сўздан иборат бўлади. Диктант ёзиш учун номзодларга 45 дақиқа вақт берилади.

5. Институт қабул комиссияси (бундан буён матнда қабул комиссияси деб юритилади) аъзолари томонидан номзодларга диктант матни бир мартаба тушунарли ва тўлиқ ўқиб эшиттирилади. Диктант матни тўлиқ ўқиб эшиттирилгандан кейин номзодлар диктантни ёзишга тайёрланади.

6. Диктант ёзиш бошланганда қабул комиссияси аъзоси диктант матнини секин бирма-бир ўқиб беради. Бунда, 1 та гап ўқиб эшиттирилади ва номзод ўқиб эшиттирилган гапни ёзишга киришади.

7. Ўқиб эшиттирилган гапни номзодлар ёзиб бўлганидан кейин ушбу гап қабул комиссияси аъзоси томонидан яна бир мартаба ўқиб берилади.

8. Номзод диктантни ёзиб тугатгандан кейин унга берилган махсус бланкани қабул комиссияси аъзосига топшириб аудиторияни тарк этади.

9. Қабул комиссияси аъзоси номзодлардан қабул қилиб олинган махсус бланкаларни текшириш учун топширади.

10. Қабул комиссияси аъзоси номзодларнинг ёзган диктантларини 1 кун ичида текширади ҳамда натижаларни номзодларга ўқиб эшиттириш орқали эълон қилади.

2-боб. Диктантни баҳолаш мезонлари

11. Номзодлар томонидан ёзилган диктант «5» баллик тизимда қуйидагича баҳоланади:

диктант мутлақо хатосиз йзилган ёки иккитагача орфографик ёхуд пунктуацион хатоликка йўл қўйилган деб топилганда — 5 балл билан баҳоланади;

учтадан олтитагача орфографик ёки пунктуацион хатоликка йўл қўйилган деб топилганда — 4 балл билан баҳоланади;

еттитадан тўққизтагача орфографик ёки пунктуацион хатоликка йўл қўйилган деб топилганда — 3 балл билан баҳоланади;

ўнтадан ўн иккитагача орфографик ёки пунктуацион хатоликка йўл қўйилган деб топилганда — 2 балл билан баҳоланади;

ўн уч ва ундан ортиқ орфографик ёки пунктуацион хатоликка йўл қўйилган деб топилганда — 1 балл билан баҳоланади.

12. Қуйидаги ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда диктантдаги хатоликлар уларнинг сонидан қатъи назар, битта хатолик деб топилади:

бешта ўринда «х» ёки «ў» ҳарфлари ўрнида тегишлича «х» ёки «у» ҳарфлари ёзилган бўлса;

кириш сўзларнинг (масалан, дарвоқе, дарҳақиқат) ёзилишида олтитагача пунктуацион хатоликка йўл қўйилган бўлса;

қаратқич келишиги учтагача сўзда нотўғри қўлланилган бўлса.

13. Қуйидагилар хато деб ҳисобланмайди:

тасодифий хатолар (масалан, «тушунмоқ» сўзи барча ўринларда тўғри ёзилган, бироқ битта ўринда нотўғри ёзилган ёки «1441» сони ўрнига «1941» ёзилган бўлса);

такрорий хатолар (масалан, «кутулмоқ» сўзи беш ўринда «кутилмоқ» тарзида ёзилган бўлса);

сўз кўчиришдаги хатолар (масалан, воқе-а ёки октя-брь);

айрим атамаларнинг ёзилишидаги хатолар (масалан, Чўлпон — Чўпон, Юнусобод — Юнус-обод).

14. Диктантдаги тузатишлар миқдори бештадан ортиқ бўлса, баҳо бир баллга пасайтирилади.

3-боб. Якуний қоидалар

15. Диктант натижалари бўйича шу куннинг ўзида мазкур Методиканинг иловасига* мувофиқ шаклда қайднома расмийлаштирилади.

16. Қайднома диктантни ўтказишда иштирок этган комиссия аъзолари томонидан имзоланади ҳамда шу куннинг ўзида қабул комиссиясининг масъул котибига топширилади.

* Илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси
Харбий-техник институтига ўқишга қабул
қилиш тартиби тўғрисидаги низомга
9-ИЛОВА

**Компьютер техникасини ва ахборот-коммуникация
технологияларини эгаллаб олганлик даражасини текшириш
МЕТОДИКАСИ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Номзодларнинг компьютер техникаси ва ахборот-коммуникация технологиялари бўйича билим даражаси компьютер дастурига киритилган тест саволларини бериш йўли билан текширилади.

2. Тест саволлари, уларнинг жавоблари Институт қабул комиссияси аъзолари томонидан 1 июнь кунига қадар ишлаб чиқилади ҳамда комиссия раиси томонидан тасдиқланади ва тегишли компьютерлар дастурига киритилади.

3. Тест саволлари қуйидаги йўналишлар бўйича тузилади:
шахсий компьютердан фойдаланиш бўйича;
идора дастурий иловалари (Microsoft Office дастури) бўйича;
интернет тармоғида, локал ва корпоратив тармоқларда ишлаш ва ташкилий техникадан фойдаланиш бўйича.

4. Тест саволлари ва уларнинг жавоблари ошкор қилинмаслиги учун Институт қабул комиссияси масъул котиби жавобгар ҳисобланади.

**2-боб. Номзодларнинг компьютер техникаси ва ахборот-коммуникация технологиялари бўйича билим
даражасини текшириш**

5. Номзодга 30 та тест саволи ва уларни ечиш учун бир соат вақт берилади.

6. Номзодлар махсус компьютерлар билан жиҳозланган хонага ўзининг шахсини тасдиқловчи ҳужжатини кўрсатган ҳолда киритилади.

Тест синовлари ўтказилаётган аудиторияга лугат, китоблар, уяли телефон, компьютер ва бошқа телекоммуникация воситалари ва шпаргалкалар олиб кириш тақиқланади.

7. Номзодлар махсус компьютерларга бир нафардан ўтказилади.

Номзодларнинг компьютер техникаси ва ахборот-коммуникация технологиялари бўйича билим даражасини текширишдан олдин уларга мазкур Методикада назарда тутилган текшириш ўтказиш тартиби тушунтирилади ҳамда тегишли йўл-йўриқлар берилади.

8. Номзод махсус дастурда бериладиган рўйхатдан ўзи ҳақидаги маълумотларни танлайди.

9. Номзод компьютер дастурларида бериладиган саволларга жавобларни белгилаш орқали тест синовларидан ўтади.

10. Ҳар бир тест саволида 4 тадан жавоб варианти берилади. Номзодлар тест саволларини ечишда фақат битта тўғри жавобни белгилаши лозим. Жавоблар тўғри белгиланиши учун номзод шахсан жавобгардир. Жавобларни нотўғри белгиллаган номзодларнинг эътирози кўриб чиқилмайди.

11. Тест синовларини топшириш вақтида номзоднинг хонадан чиқиши тақиқланади, номзоднинг соғлиғи ёмонлашган ҳолатлар бундан мустасно.

12. Номзодга тест синовларини қайта топширишга рухсат берилмайди.

13. Тест синовларини ўтказиш вақтида тест синовлари ўтказилаётган хонада номзодлар, комиссия аъзоларидан ташқари бошқа шахсларнинг бўлиши тақиқланади.

14. Тест синовларини белгиланган муддатдан олдин бажарган ёки тест синовларини бажариш учун ажратилган вақт тугагач, шу вақтнинг ўзида номзодга унинг тест синовлари натижалари компьютер экранида эълон қилинади.

15. Номзоднинг тест саволларига берган тўғри жавобларига автоматик равишда компьютер дастури орқали ҳар бир тўғри жавоб учун 1 балл берилади.

16. Тест синовлари натижаси «5» баллик тизимда қуйидаги тартибда баҳоланади:

26 — 30 та тест саволларига тўғри жавоб берилган бўлса — 5 балл;

21 — 25 та тест саволларига тўғри жавоб берилган бўлса — 4 балл;

16 — 20 та тест саволларига тўғри жавоб берилган бўлса — 3 балл;

11 — 15 та тест саволларига тўғри жавоб берилган бўлса — 2 балл;

1 — 10 та тест саволларига тўғри жавоб берилган бўлса — 1 балл;

тест саволларининг бирортасига ҳам тўғри жавоб берилмаган ёки тест синовларида узрсиз сабабларга кўра қатнашилмаган бўлса — 0 балл қўйилади.

3-боб. Якуний қоидалар

17. Номзодларнинг компьютер техникаси ва ахборот-коммуникация технологиялари бўйича билим даражасини текшириш натижалари бўйича қайднома мазкур Методиканинг иловасига* мувофиқ шаклда расмийлаштирилади.

18. Қайднома комиссия аъзолари томонидан имзоланади ва Институт қабул комиссияси масъул котибига шу куннинг ўзида топширилади.

* Илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси
Ҳарбий-техник институтига ўқишга қабул
қилиш тартиби тўғрисидаги низомга
10-ИЛОВА

**Якка тартибдаги якуний суҳбат ўтказиш
методикаси ва баҳолаш
МЕЗОНЛАРИ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Якка тартибдаги якуний суҳбат номзоднинг Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институтига ўқишга кириши сабабини, етакчилик фазилатларини, ақлий қобилиятлари ва бошқа муҳим профессионал фазилатларини аниқлаш мақсадида ягона методика бўйича психологик ўрганиш, диктант натижалари, компьютер техникасини ва ахборот-коммуникация технологияларини эгаллаб олганлик даражасини текшириш натижалари асосида ўтказилади.

2. Якка тартибдаги якуний суҳбат давомида номзодларга бериладиган саволлар рўйхати Институт қабул комиссияси (бундан буён матнда қабул комиссияси деб юритилади) томонидан 1 июнь кунига қадар шакллантирилади ва қабул комиссияси раиси томонидан тасдиқланади.

3. Саволлар рўйхати қабул комиссияси масъул котибининг сейфида сақланади. Масъул котиб саволларнинг ошкор қилинмаслиги учун жавобгар ҳисобланади.

2-боб. Якка тартибдаги якуний суҳбатни ўтказиш

4. Якка тартибдаги якуний суҳбат коллегиял принцип бўйича, қабул комиссияси томонидан ўтказилади.

5. Номзод якуний суҳбатга шахсини тасдиқловчи ҳужжати билан кiritилади.

6. Қабул комиссияси аъзоларига масъул котиб (унинг ёрдамчиси) томонидан якка тартибдаги якуний суҳбатдан ўтказилаётган номзод ҳақидаги барча маълумотлар тақдим этилади.

7. Қабул комиссияси аъзолари номзод ҳақидаги умумий маълумотларни ўрганиб чиқиб, унга оғзаки тарзда 3 та савол беради.

Номзодга саволлар навбат билан бирма-бир берилади (номзодга 1 та савол берилади ва номзод у саволга жавоб берса ёки жавоб бера олмаса унга навбатдаги савол берилади).

8. Ҳар бир номзодга 10 дақиқагача вақт ажратилади. Номзоднинг барча саволларга берган жавоби эшитилгандан сўнг, унга аудиториядан чиқишга рухсат берилади.

3-боб. Якка тартибдаги якуний суҳбат натижаларини аниқлаш

9. Номзодлар саволларга берган жавобларига қараб қуйидаги мезонлар асосида «5» баллик тизимда баҳоланади:

номзод тўғри хулоса ва қарор қабул қилади, ижодий фикрлай олади, мустақил мушоҳада юритади, моҳиятини тушунади, билади ва айтиб беради деб топилганда — 5 балл;

номзод мустақил мушоҳада юритади, моҳиятини тушунади, билади, айтиб беради ва тасаввурга эга деб топилганда — 4 балл;

номзод моҳиятини қисман тушунади, билади, айтиб беради ва тасаввурга эга деб топилганда — 3 балл;

номзод билмайди, айтиб бера олмайди ва тасаввурга қисман эга деб топилганда — 2 балл;

номзод билмайди, айтиб бера олмайди ва тасаввурга эга эмас деб топилганда — 0 балл қўйилади.

10. Номзоднинг саволларга жавоби эшитилгандан сўнг, комиссиянинг ҳар бир аъзоси номзодга ўзининг баҳосини қўяди. Қўйилган барча баллар умумлаштирилиб, номзоднинг ўртача арифметик бали аниқланади.

11. Якка тартибдаги якуний суҳбат натижалари бўйича шу куннинг ўзида мазкур Методиканинг иловасига* мувофиқ шаклда қайднома расмийлаштирилади.

12. Қайднома якка тартибдаги якуний суҳбатни ўтказишда иштирок этган қабул комиссиясининг аъзолари томонидан имзоланади ҳамда шу куннинг ўзида қабул комиссиясининг масъул котибига топширилади.

Мазкур қайдномага номзоднинг психофизиологик ўрганиш, ёзма иш (диктант), компьютер техникасини ва ахборот-коммуникация технологияларини эгаллаб олганлик даражаси натижалари ҳам қабул комиссияси масъул котиби томонидан ёзиб қўйилади.

13. Натижалар шу куннинг ўзида номзодларга эълон қилинади.

4-боб. Якуний қоидалар

14. Якка тартибдаги якуний суҳбат натижалари бўйича ўртача 3 ва ундан юқори балл тўплаган номзодлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази томонидан ўтказиладиган тест синовларини топширишга қўйилади.

15. Номзодни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази томонидан ўтказиладиган тест синовларини топширишга қўйиш ёки қўймаслик тўғрисидаги қарор ҳақида қайдномага ёзиб қўйилади.

* Илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Миллий гвардияси ва Мудофаа вазирлигининг
2020 йил 23 январдаги 3 ва 4-сон қарорига
2-ИЛОВА

**Ўз кучини йўқотган деб топилаётган идоравий
норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ва Мудофаа вазирлигининг 2018 йил 30 октябрдаги 16, 30-сон «Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институтига ўқишга кирувчи номзодларнинг дастлабки танлаш тадбирларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 3096, 2018 йил 5 декабрь) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 06.12.2018 й., 10/18/3096/2277-сон; 14.05.2019 й., 10/19/3096-1/3118-сон).

2. Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ва Мудофаа вазирлигининг 2019 йил 18 апрелдаги 14, 16-сон «Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институтига ўқишга кирувчи номзодларнинг дастлабки танлаш тадбирларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 3096-1, 2019 йил 13 май) (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 14.05.2019 й., 10/19/3096-1/3118-сон).

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат қўмиталари ва
идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини
давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
2020 йил 22 февралдан 28 февралгача
бўлган маълумотни маълум қилади

1. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Молия вазирлигининг 2020 йил 28 январдаги 2020-02, 5-сон «Солиқ ҳисоботининг шакллари тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида»ги қарори.

2020 йил 24 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3126-1.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2020 йил 28 январдаги 2020-03-сон «Солиқ ҳисоботининг шакллари тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори.

2020 йил 24 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3221.

3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2020 йил 16 январдаги 1/5-сон «Тижорат банкларининг ликвидлигини бошқаришга қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қарори.

2020 йил 25 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2709-4.

4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2020 йил 25 январдаги 2/9-сон «Микрокредит ташкилотларининг кредит сиёсатига нисбатан қўйиладиган талаблар тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

2020 йил 27 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2230-1.

5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2020 йил 15 февралдаги 3/4-сон «Ҳар бир оила — тадбиркор» дастури доирасида кредитлар ажратиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 14-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида»ги қарори.

2020 йил 27 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3022-4.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2020 йил 17 февралдаги 6, 2020-05-сон «Табиий газга қўшимча фойда

солиғини ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарор, шунингдек унга ўзгартиришлар ва қўшимчани ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги қарори.

2020 йил 28 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1909-6.

7. Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2020 йил 28 февралдаги 55-мх-сон «Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус муҳрининг ягона намунасини тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

2020 йил 28 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3222.

8. Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўмондонининг 2020 йил 23 январдаги 23-сон «Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институтида ҳарбий-профессионал танлаш тадбирларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруқ, шунингдек унга ўзгартиришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги буйруғи.

2020 йил 28 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3019-2.

9. Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси, Мудофаа вазирлигининг 2020 йил 23 январдаги 3, 4-сон «Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институтига ўқишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори.

2020 йил 28 февралда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3223.

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ва Молия вазирлигининг «Солиқ ҳисоботининг шакллари тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (рўйхат рақами 3126, 2019 йил 21 январь).

Адлия вазирининг 2020 йил 24 февралдаги 49-мх-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг «Микрокредит ташкилотларининг кредит сиёсатига нисбатан қўйиладиган талаблар тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 2230, 2011 йил 25 май).

Адлия вазирининг 2020 йил 27 февралдаги 52-мх-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг «Табиий газга қўшимча фойда солиғини ҳисоблаб чиқариш ва бюджетга тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарори (рўйхат рақами 1909, 2009 йил 24 февраль), шунингдек унга ўзгарти-

риш ва қўшимчалар (рўйхат рақами 1909-1, 2010 йил 25 март), (рўйхат рақами 1909-2, 2010 йил 20 июль) (рўйхат рақами 1909-3, 2014 йил 6 март), (рўйхат рақами 1909-4, 2018 йил 9 март), (рўйхат рақами 1909-5, 2019 йил 15 апрель).

Адлия вазирининг 2020 йил 28 февралдаги 54-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

4. Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси қўмондонининг «Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институтида ҳарбий-профессионал танлаш тадбирларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 3019, 2018 йил 1 июнь), шунингдек унга ўзгартиришлар (рўйхат рақами 3019-1, 2019 йил 13 май).

Адлия вазирининг 2020 йил 28 февралдаги 56-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди.

5. Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси, Мудофаа вазирлигининг «Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институтига ўқишга кирувчи номзодларнинг дастлабки танлаш тадбирларини ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақидаги қарори (рўйхат рақами 3096, 2018 йил 5 декабрь), шунингдек унга ўзгартириш (рўйхат рақами 3096-1, 2019 йил 13 май).

Адлия вазирининг 2020 йил 28 февралдаги 57-мҳ-сон буйруғига асосан давлат реестридан чиқарилди

Мазкур ҳужжатлар қонунчиликка ўзгартириш киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.

